O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 13 июль, сешанба № 83 (1971). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 13 июля, 2004 г. № 83 (1971). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг ана шу пурмаъно сўзлари истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги давлат аҳамиятига молик барча ишларимизнинг ўзига хос мезонига айланди.

Мустақиллик йилларида, собиқ мустабид тузум замонидагидан жиддий фарқ қилароқ, хотин-қизларнинг тенглиги, эркинлигини қоғозда, қуруқ сўзда — ҳавойи мафкурада эмас, том маънода амалий ҳаётимизда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, аёлларни иззат-икром қилиш, улуғлаш, ардоқлаш, оғирини енгил қилиш отабоболаримиздан қолган муқаддас удумимиздир.

XXI аср бўсағасида туриб ҳам, айрим мамлакатларда хотин-қизларнинг ўқиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан эркин фойдаланишини кескин тақиқларга дучор этадиган сиёсат юритилаётган бир пайтда, ҳурриятга эришган Ўзбекистонда аёлга эҳтиром кўрсатишдек юксак маънавий ва маърифий ишлар амалга оширила бошланган эди.

Жамият ва аёл масаласи — миллат ва мамлакат манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб — энг мақбул миллий ва умумбашарий қадриятлар негизида ҳал этилиши учун юртимизда тегишли шарт-шароит яратилгани эътирофга сазовордир.

Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги мавқеи ва ролини кучайтириш ҳамда уларнинг иктимоий муҳофазаси ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий негиз шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси аёл ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бир қанча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган.

Президентимизнинг бу борадаги фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, аввалambор, хотин-қизларимиз ўз қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бой маънавий дунёсини, меҳрибонлик қудратини намоён қилиши, иктимоий-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ўзига муносиб ўринни дадил эгаллашига ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилаётир.

Агар юртимиз аҳолисининг қарийб 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этишини ҳисобга олсак, юқоридаги ҳужжатлар ижросидан меҳру муҳаббат, нафосат тимсоли — оналаримиз, опа-сингилларимиз, оқила қизларимизга етаётган манфаатлар қўлами нечоғли кенг экани янада ойдинлашади.

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Ҳозирги даврда мамлакатимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, амалга ошираётган ҳаётбахш ислоҳотларимиз самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида аёлларимизнинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Бугун хотин-қизлар саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, соғлиқни сақлаш тизими, халқ таълими, маданият ва санъат, спорт, тадбиркорлик, борингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эркин ва самарали меҳнат қилаётир.

Миллат келажаги — оналар қўлида, дейдилар. Юртимизда 4 миллиондан кўпроқ оила бўлиб, уларда воя-га етаётган буюк келажагимиз — жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдек шарафли бурч ва масъулият ҳам аёлларимиз зиммасида.

Мамлакатимизда қирқдан зиёд жамоат ташкилоти бевосита ёки билвосита хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланмоқда. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ана шу ташкилотлар орасида алоҳида нуфузга эга. Истиқлол билан тенгдош ушбу нодавлат нотижорат ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманларда бўлинмалари ишлаб турибди. Аёлларимиз турмуши ва фаолияти билан боғлиқ муҳим жиҳатлари ҳисобга олиниб, давлат томонидан ушбу жамоат ташкилотига муайян имтиёз ва ваколатлар берилган.

Президентимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишлаб 21 июнда Оқсаройда ўтказилган мажлисда хотин-қизлар фаолиятига алоқадор давлат тузилмалари билан бир қаторда ана шу жамоат ташкилоти ишида ҳам жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигига эътибор қаратилди.

ТАНҚИД ВА ТАЛҚИН

Кейинги пайтларда Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларига асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ва ўз фаолиятида маъмурий усуллардан фойдаланадиган давлат тузилмалари сифатида қараш деярли одат тусига кириб қолган эди.

Мамлакатимиз раҳбари барчанинг эътиборини ушбу масалага қаратмагунича, бундай ҳолат биз амалда татбиқ этаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган ҳаётий дастуримизга унчалик мос келмаслигини ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмабди. Ваҳоланки, юртимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти давлатнинг вазифаларини босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб боришни кўзда тутади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари эса ўзларини аёллар жамоатчилиги вакили эмас, балки хотин-қизларни бошқариш учун қўйилган давлат ходималари, давлат бошқарувчилари ва назоратчилари деб ҳис қилар, ўз иши ва фаолиятининг мақсадини худди шундай деб тушунарди.

Ушбу жамоат ташкилотининг юқоридан буйруқ кутишга ўрганиб қолган баъзи бир раҳбарлари, хонанишин етакчилари билан ҳаётнинг залворли ташвишларини нозик елкасида кўтарган оддий аёлларимиз ўртасида муайян даражада узилиш пайдо бўлди.

Аксарият аёл раҳбарлар ўз фаолиятида хотин-қизлар жамоалари, қишлоқлардаги эътиборталаб аёллар, қизлар муаммо ва ташвишларидан узоқлашиб кетди.

Оқибатда аёлларимиз, қизларимиз муаммолари аксар ҳолларда ечилмай қолаверди. Энг ёмони, хотин-қизлар фаоллари кириб боролмаган қатламларда бўшлиқ юзага келди. Бундай бўшлиқлар ҳар хил кучлар, ёт мафкуралар учун қулай муҳит, демакдир. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган хотин-қизлар бузғунчи кучларнинг таъсирига тушиб қолаётгани ҳам шунинг асоратидир.

Аслида фуқаролик жамиятининг узвий бир қисмига айланиши зарур ушбу жамоат ташкилотида амалдорлар, бюрократлар эмас, Президентимиз айтмоқчи, ўзини аёлларнинг ишончли вакиллари сифатида ҳис қиладиган, хотин-қизлар жамоатчилиги олдида ҳисоб берадиган фаоллар иш олиб бориши лозим.

Ана шу боис Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш ҳамда замон талабига мослаштириш масаласи долзарб вазифа сифатида юзага қалқиб чиқди.

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЯПМИЗМИ?

Оқсаройдаги мажлисда айтилганидек, ҳар бир шаҳар, қишлоқ, овул, маҳалла ё кўчанинг тўй-маъракa, урф-одат, расм-русумларини ўтказишда бош-қош бўладиган ишбоши аёллари — отинойи, дастурхончи ва кайвонилари бўлади, одатда. Ҳозирча уларнинг фаолияти хотин-қизлар қўмиталари фаолларининг эътиборидан четда қолмоқда.

Юртбошимизнинг фикрича, маҳалла-қўйнинг кўпгина юмушлари ўз иштирокисиз битмайдиган бундай аёлларга зарур ёрдам кўрсатиш керак. Уларни жойларда ҳокимликлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари, диний ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Уларни маҳалла бошқаруви таркибига киритиш хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашни сезиларли даражада яхшилашга кўмаклашиши тайин.

Яна бир масала. Истиқлол йиллари аёллар ва қизларимизга мўлжалланган даврий нашрларга кенг йўл очилди. Давр Хотин-қизлар қўмиталари фаолларидан оммавий ахборот воситалари, айниқса, хотин-қизлар матбуот органлари билан ҳамкорликни кучайтириши, даврий нашрларда хотин-қизларимизнинг бугунги ҳаёти, ютуқлари, муаммо ва ташвишлари кенг ва холис ёритилишига жиддий эътибор қаратишни талаб қилмоқда.

Энг муҳими ва энг асосийси Хотин-қизлар қўмиталари бозор иқтисодиёти туфайли янги иш ўринлари ташкил этиш борасида юзага келаётган замонавий имкониятларни самарали фойдаланиши шарт. Улар хотин-қизлар ишлаши учун зарур шарт-шароит яратишга, уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиши даркор.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикасига сафаримиз чоғида биз бу ерда худди шу йўналишда амалга оширилаётган қатор ибратли ишларга гувоҳ бўлдик. Оғир экологик вазият юзага келган ушбу ҳудудда ҳозирги кунда 1 миллион 540 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Уларнинг қарийб 771 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Шундан 141 минг 640 нафардан кўпроғи ишчилардир. Уч мингдан зиёд аёл фермер ва ширкат хўжаликларига бошчилик қилади. Халқ таълими соҳасида 51 минг 490, маданият, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида 25 минг 780 нафардан ортиқ хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда. Санъат соҳасида қарийб 6 минг 840 нафар аёл машғул.

Бу ерда расмий рўйхатга олинган ишсиз хотин-қизлар сони, 2003 йил якунига кўра, 6 минг 103 нафардан иборат. Аммо ушбу кўрсаткич изчил камаймоқда. Бунда, албатта, республика ҳудудида янги иш жойлари яратилаётгани, хусусан, миллий ва чет эл сармоялари ҳисобига турли корхоналар барпо этилаётганининг аҳамияти катта.

Биргина «Элтекс» акциядорлик жамиятидаги қарийб 2,5 минг ишчи-ходимнинг деярли 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. «Элликқалъа олтин толаси», «Бўстонвинозаводи» акциядорлик жамиятларида ҳам меҳнат жамоасининг катта қисми — қарийб 80 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Қум барханлари ўртасида бунёд этилган яна бир мўъжиза—«Юнивер» Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш қўшма корхонасида пахта толасидан хорижий фирмалар буюртмалари бўйича хилма-хил замонавий маҳсулотлар тайёрлаш билан машғул минглаб қизларимизнинг қўлиқўлига тегмайди. Бу ерда ишлаш ва дам олиш учун тегишли шарт-шароит муҳайё.

Қорақалпоғистоннинг турли соҳаларда меҳнат қилаётган тадбиркор, фаол, чевар ва жонкуяр хотин-қизлари билан суҳбатлашар эканмиз, Президентимизнинг: «Аёл киши ўзи ишлаб даромад топса, у мустақил бўлади ва ўзини ўзи ҳимоя эта олади. Ҳар қандай иш — аёлнинг мустақиллиги, фаол турмуш тарзининг биринчи шартидир», деган сўзларини ботбот хаёлдан ўтказдик.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда хотин-қизларнинг иктимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини тамомила янги босқичга кўтариш борасида навбатдаги дадил одим кўйилди. Бу одим—барча илғор демократик давлатлардаги каби юртимизда аёллар давлат ва жамият тараққиётининг таянчларидан бири сифатида тан олинаётганининг яна бир далилидир.

Гулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.

АСКАРЛИКДАН ОФИЦЕРЛИККА ҚАДАР

Ҳарбийликка ҳавас ҳаммада болаликдан бошланади. Армия билан ҳаётини боғлаш истаги барча ёшлар учун ҳам ҳаётий мақсадга айланавермайди. Чунки ҳарбийларнинг сермашақкат ва шарафли вазифаларида енгил-елпи ҳавас ёки қарашларга ўрин бўлмайди. Чинакам ирода эгаси, қатъиятли, маънавияти юксак йигитларгина бу вазифани шараф билан уддалайдилар.

Шуҳрат ҳам кўпчилик тенгдошлари каби ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Йигитлик бурчини ўташ давомида астойдил хизмат қилиб армияда қолишга қатъий аҳд қилди. Болалигидан меҳнатда суяги қотган йигит учун ҳаёт мактабининг синовлари оғир кечган эмас. Айнан шу ерда у ўзи истаган, болаликдан интилган шарафли касб эгаси бўлишни узил-кесил ҳал қилди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Эркакнинг касби ҳам ўзига, яъни эркак номига муносиб бўлиши керак. Бу унинг ҳамон ўзгармас фикридир.

Оддий аскар Шуҳрат Каримовнинг ўз вазифасини ўрнига қўйиб уддалаши, берилган топшириқларни вақтида бажариши командирларининг эътиборига тушди. Унга кичик сержант унвони берилганида посбон бундай ишончли юз фоиз оқлашига барчанинг имони комил эди. Сафдошлари учун ҳар доим ёрдамга шай, кичиклар учун вазмин маслаҳатчи, офицерларнинг яқин кўмакчиси бўлган Шуҳрат ҳарбий жамоада аллақачон ўз ўрнини топиб улгурганди. Орадан кўп ўтмай ташкилотчи, ташаббускор посбонни взвод старшинаси вазифасини бажаришга тайинладилар. Буларнинг барчаси беминнат, ҳалол, чин дилдан қилган хизматлари эвазигадир. Қисм командирлиги уни кичик офицерлар тайёрлаш курсига тавсия қилиб янглишмаган. Айни кунларда катта лейтенант Шуҳрат Каримов командирлик қилаётган батарея ўқув мавсуми машғулотларида фаоллик қилмоқда.

Қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Зоҳид Исроилов у ҳақда шундай дейди:

— Камтарин инсон, қаттиққўл, талабчан офицер. Қўл остида хизмат қиладиган барча посбонларни кўнглига йўл топа олади. Бирбирини тушуниш ва ҳурмат қилиш бор жойда муваффақият ҳам сўзсиз тайиндир.

Шу ўринда тажрибали офицер Зоҳид Исроилов ҳақида бир оғиз гапириб ўтмоқчимиз. Касбимга кўплаб тарбиячи офицерлар билан мулоқотда бўлишни тақозо қилади. Аммо уларнинг барчаси ҳам Зоҳид Исроилов каби ўз ишини яхши билади деб бўлмайди. Ҳар бир офицер, шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар ҳақида оилавий аҳволидан тортиб нимага кўпроқ қизиқишларини ҳам билади.

Шуҳрат Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан. Қишлоқнинг кўп оилалари каби оддий, серфарзанд оилада улғайган. Қашқадарё полвонлари билан ҳақли равишда фахрланса арзийдиган юрт. У ерда тўйлар миллий кураш, улоқ ўйинлари билан ниҳоятда файзлидир. Қаҳрамонимиз Шуҳрат ана шундай тўйларда катта-кичик полвонлар билан бел олишган. Полвонга мардлик, тантилик, олижаноблик хос. Томирида полвонлар қони жўш ураётган офицер йигитда айнан шу фазилатлар мужассам. Каттагина ҳарбий жамоада ҳурматга сазоворлигининг боиси ҳам шундан.

Тажрибали офицер сифатида тилга тушишда биргина шу фазилатларнинг ўзи камлик қилади, албатта. Ўтган мавсумни муваффақиятли якунлаган унинг жамоаси ёзги ўқув мавсуми машғулотларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Жамоада аҳиллик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бири-бирига ёрдамга шайлик асосий ўринда туради.

— Ҳарбий жамоамиз ютуғини таъминлашда катта лейтенант Ҳусниддин Ҳасанов, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Акмал Раҳимов, Олим Раҳматов, оддий аскарлар Ғайрат Диёров, Тоҳир Бобохоновларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди,— дейди катта лейтенант Шуҳрат Каримов. — Ёзги ўқув машғулотлари ҳам қизғин ўтмоқда. Мавсумда жанговар ва иктимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида юқори кўрсаткичларга эришиб, муборак Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишга қатъий аҳд қилганмиз.

Шуҳрат хизматдан бўш вақтларини оиласи даврасида ўтказишни ёқтиради. Полвон йигит рафиқаси Марғуба билан икки фарзанд — Шоҳруҳ ва Иродаларни тарбиялашмоқда.

Унинг яна энг севимли машғулотларидан бири шахмат. Шуҳрат «ақл машқи»да кўпчилик сафдошларини яхшигина терлатади. Қисмда тез-тез уюштириладиган футбол мусобақаларида ҳам унинг алоҳида ўрни бор.

Полвон офицеримизга она-Ватан ҳимоясидаги шарафли хизматида ҳамиша омад ёр бўлсин.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Юрагида Ватан меҳри бор

Авазбек муддатли хизматга отланганида юртимизда мустақиллик арафалари эди. У элимизнинг истиқлол қувончини узоқ ўлкада — ҳарбий денгиз флотида нишонлади. Уч йиллик хизматдан сўнг туғилиб ўсган гўшаси — Қувага қайтган йигит юрт тикланиши учун астойдил бел боғлади. Авазбекдек шижоатли, забардаст йигитлар ислоҳотлар жараёни кетаётган барча соҳаларга ҳам зарур эди. Аммо у ўзи учун энг тўғри йўл деб ҳарбийлик касбини танлади. У бизнинг:

— Нима учун айнан ушбу соҳага меҳр қўйдингиз, — деган саволимизга:

— Мен йигитлик бурчимни ўзга юртда ўтадим. Хизматимга бир йил бўлар бўлмас, Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Ўша онларда қувончимнинг чеки йўқ эди, албатта, — дея фикрини баён қилди Авазбек. — Мен озодликка эришган юртимизга посбон бўлишни жуда истардим. Аммо ўша вақтда бу менга насиб этмади. Хизматдан қайтганимдан сўнг, маълум вақт ўтгач, ҳарбий хизматчи бўлишга астойдил бел боғладим. Мана, кўриб турганингиздек, ниятим амалга ошиб, махсус гуруҳда шартнома асосида хизмат қилаяпман.

Ҳа, ҳарбий бўлишга астойдил ҳаракат қилган қаҳрамонимиз 1997 йилда эзгу ниятига етди. У десантчилар қисмида шартнома асосида хизмат бошлади. Орадан бир йил ўтиб, шартнома бўйича хизмат сержанти Авазбек Солихонов махсус гуруҳга лойиқ топилди. Ҳақиқий профессионаллар сафидан

(Давоми 2-бетда).

● ПРОФЕССИОНАЛЫ В БОЕВОМ СТРОЮ

Справятся с боевой задачей в любых условиях

Основной задачей воинов-связистов является обеспечение непрерывной и устойчивой связи в любых условиях складывающейся обстановки. Связисты доводят до подразделений сигналы боевой готовности, они обеспечивают точную и скрытную передачу приказов, указаний и распоряжений старших начальников, своевременное поступление донесений о ходе боевых действий. Через них организуется взаимодействие частей и подразделений на поле боя.

В подразделениях связи, где всегда ценились профессионализм и компетентность, в процессе проходящей в Вооруженных Силах Республики Узбекистан реформы все большую роль играют военнослужащие по контракту, особенно старшие техники взводов и начальники аппаратных. Им часто приходится длительное время действовать в отрыве от подразделений, самостоятельно обеспечивая выполнение той или иной задачи.

Командир части подполковник З. Муратов лично уделяет большое внимание подготовке сержантского состава к ведению самостоятельной работы. Проводя занятия **(на снимке)**, он придает особое значение выработке у младших командиров таких качеств, как самостоятельность, инициатива, способность в самых сложных условиях обстановки принимать ответственные решения.

(Окончание на 2-й стр.).

● СБОРЫ — МЕСЯЦ, БОЕГОТОВНОСТЬ — ВСЕГДА

ЧЕТКО И ОРГАНИЗОВАННО

Учась в институте, много слышал о проходящей в наших Вооруженных Силах реформе. И вот представилась возможность самому быть зачисленным на службу в мобилизационном призывном резерве.

Сборы мне понравились с первого дня. Офицеры и сержанты контрактной службы за несколько часов сформировали воинские подразделения, начали приучать различного возраста и воспитания юношей к воинской дисциплине и порядку.

Поначалу мне казалось, что мы не сможем в столь короткий срок освоить обязанности солдата, но после первой недели занятий все сомнения рассеялись. Опытные офицеры и сержанты проводили занятия четко и последовательно, находили индивидуальный подход к каждому юноше, учитывали все: уровень образования и особенности характера.

Вскоре мы уже ничем не отличались от находящихся в соседнем расположении солдат срочной службы. На своем опыте я и мои товарищи, Азизжон Жураев и Мансур Хайриддинов, убедились — реформы в наших Вооруженных Силах проводятся успешно.

Я горжусь службой в мобилизационно-призывном резерве и, если понадобится, готов с честью встать на защиту независимого Узбекистана.

Ином ТЕШАБАЕВ.

Замонамиз садоси • Пульс планеты

Бывший иракский лидер Саддам Хусейн должен быть выпущен из тюрьмы под залог перед тем, как над ним начнется судебный процесс. Это заявление в интервью британским СМИ сделал один из его адвокатов Джованни ди Стефано. Итальянский адвокат, который работает в Лондоне, сообщил, что он отправил иракским властям ходатайство, согласно которому Саддам должен быть выпущен на свободу.

***

В Басре убит член совета улемов иракских суннитов — шейх Абдул Маджид Абдул Вадуд, сообщило иракское государственное телевидение. По данным правоохранительных органов, религиозный авторитет был расстрелян в собственном автомобиле. Кроме него погиб и его шофер.

***

Израиль не пустил в страну американскую еврейку. Об этом сообщил адвокат 32-летней жительницы Сан-Франциско Джеми Спектор. Адвокат Спектор видит причину происшедшего в том, что она является членом пропалестинского Международного движения солидарности. Это один из редких случаев, когда израильские власти отказывают евреям во въезде в страну.

***

Новое иракское правительство собирается объявить амнистию боевикам, противостоящим коалиционным войскам в Ираке. Как сообщил президент страны Гази аль-Явар в интервью влиятельной британской газете «Финэшл Таймс», амнистия будет объявлена в течение нескольких дней.

***

Американские разведывательные службы изучают возможность совершения терактов на Уолл-стрит. Об этом сообщает «Фокс Ньюз» со ссылкой на издание «Пост». По словам чиновников Белого дома, опасения относительно совершения терактов возникли после перехвата подозрительных звонков и сообщений в интернет-чатах, которые, предположительно, послали экстремисты. Чиновники утверждают, что организацией терактов занимается Усама бен Ладен и его заместители.

***

Британская полиция начинает кампанию по выявлению пользователей, которые, потеряв мобильные телефоны, заявляют об их краже. По данным полиции, число таких абонентов ежегодно составляет 2,5 тыс. человек. Полицейские предупреждают, что в случае выявления обмана пользователям могут быть предъявлены обвинения в жульничестве и потере рабочего времени полицейских.

***

В результате наводнений и оползней в Непале погибли 46 человек. Тысячи жителей страны вынуждены были покинуть свои дома, оказавшиеся в зоне затопления. Тропические ливни продолжаются в Непале уже неделю.

***

С 24 июля в Италии вступает в силу требование, согласно которому водители, которым пришлось остановиться на дороге, должны будут одевать специальные светоотражающие жилеты, прежде чем выйти из автомобиля. С апреля аналогичное требование действует в Испании.

***

Президентские выборы в Афганистане назначены на 9 октября, заявил государственному телевидению глава совместной комиссии по проведению выборов Заким Шах. Он также сообщил, что парламентские выборы будут проведены в апреле 2005 года. Ранее президент Афганистана Хамид Карзай выразил надежду, что и президентские, и парламентские выборы состоятся в июне, однако их проведение было отложено из-за технических проблем и отсутствия безопасности.

(По страницам Интернета).

САФДА СИНАЛГАН ШУНҚОР

— Машаққатли армия ҳаётини Ватаннинг асл фарзандлари танлайди. Бунда ҳақиқий, матонатли, довюрак эр йигитларгина ўз ўрнини топа олади, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Хуршид Бўронов. — Мана шундай посбонлар сирасига дўстим кичик сержант Жавдод Ҳалиёровни киритиш мумкин. У касбини мукаммал биладиган ва қадрлай оладиган юрт ҳимоячиси.

Бу кичик сержант Х. Бўроновнинг сафдоши ҳақидаги қисқа ва аниқ фикрлари. Аслида Жавдод ҳақида сўз кетганда нафақат яқин дўсти Хуршид, балки ҳарбий жамоанинг қолган аъзолари ҳам шундай деб ҳисоблайдилар.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Жавдод Ҳалиёровни бугун нафақат ҳарбий қисмда, балки округда ҳам яхши танишади. Майор Қаҳрамон Содиқов етакчилик қилаётган ҳарбий қисмда хизмат вазифасини ўтаётган йигит «Энг илғор мутахассис» танловида иштирок этиб, посбоннинг намунали хизмати танловнинг округ босқичида ҳам муносиб баҳоланди.

— Қисмда капитан Муҳаммадали Узоқбоев сардорлигидаги артиллериячилар дивизионининг етакчилик қилишига сабаб, аслида ҳарбий жамоа таркибида кичик сержант Ж. Ҳалиёров сингари мард, ишнинг кўзини биладиган ва сафда ҳар томонлама синалган шунқорларнинг бисёрлиги билан, деб баҳоласа тўғрироқ бўлади, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Исроил Тўраев. — Самарқандлик бу йигит ҳалоллик билан ўтаётган сермашаққат хизматида қўлга киритган барча ютуқларини миллий армиямизнинг шаклланишига камтарона улуш, деб билади.

Жавдод муддатли хизматни мазкур қисмда ўтади.

— Тўғриси, хизматга қадар ҳарбий бўлиш истаги менда туғилган эмас, — дейди кичик сержант. — Ўша пайтда қайси касбни танлаш борасида бош қотирардим. Тўсатдан Қуролли Кучлар сафига чақирилдим. Бежизга армияни ҳаёт мактаби, деб таъкидлашмас экан. Буни кенг маънода тушунмоқ лозим. Армия менга ҳаётда ўз йўлимни танлашимда кўмаклашди. Шу тариқа ҳарбийлик сари илк қадамларни ташладим.

Қаҳрамонимиз жанговар машина командири вазифасини бажаради. Бу, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, кишидан талабчанлик, бошқарувчилик ва кези келганда қаттиққўллликни намоён қила олишдек ўта масъулиятли, нозик юмуш. Бу борада кичик сержант Жавдод Ҳалиёровдан командирларининг кўнгли тўқ. Ўз касбини мукаммал билишда устаси фаранглардан ҳисобланган посбон қўл остидаги аскарларни ҳам ортидан эргаштириб, ўқув мавсумларида доимо пешқадамлик қилиб келмоқда. Мисол тариқасида узоққа бормай, баҳорги ўқув имтиҳонлари натижасини кузатсак. Тактик тайёргарлик машғулотларида ўзларида мавжуд касб маҳоратларни намойиш қила олган кичик жамоа «аъло» кўрсаткични қайд этди. Бундай натижани ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида ҳам кузатиш мумкин. Улар ёзги мавсумда ҳам илғорликни қўлдан бой бермаслик учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Жавдод Пастдарғом тумани Беклар қишлоғида камтаргина, боз устига аҳил оилада таваллуд топди. Унинг табиатидаги сокинлик ва камтарлик оила бошлиқлари Дархон ака ва Ҳосил опаларнинг фарзандлари камоли йўлида ҳалолликни йўлдош қилиб олган тарбия таъсири бўлса, не ажаб.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● МОЛОДЫЕ ОФИЦЕРЫ — БУДУЩЕЕ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

ДОВЕРИЕ ОПРАВДЫВАЕТ

С лейтенантом Суфияном Старковым встретились, когда он нес службу оперативным дежурным по части. В принципе, подобное в армейской практике увидишь нечасто. Обычно лейтенантов ставят помощниками. «Значит, командиры доверяют», — сделал для себя вывод.

Наблюдения за действиями молодого офицера только подтвердили правоту первого впечатления — лейтенант четко и уверенно действовал по поступающим командам, жестко и без лишней суеты контролировал исполнение личным составом подразделений распорядка дня.

Лейтенант С. Старков закончил в 2003 году Самаркандское ВВАКИУ, служит здесь старшим помощником начальника штаба. Участок довольно ответственный — помимо контроля за перемещением кадров ему предписано заниматься и документацией строевой части.

— В работе штабного офицера главное требование — это аккуратность и четкость при отработке документации, — говорит лейтенант С. Старков. — Любая неисполнительность чревата сбоем в ритме боевой учебы, а по кадровым вопросам — это еще и судьбы военнослужащих, их карьера и будущность.

Такому серьезному подходу учил лейтенанта первый наставник — начальник штаба части подполковник Рустам Юсупов. Вполне возможно, и там бы Суфиян вырос в хорошего штабного офицера, да судьба офицерская распорядилась иначе — должность сократили, а его перевели в другой гарнизон.

Впрочем, когда у человека есть за плечами хорошая база (диплом с хорошими и отличными оценками, нарабатываемый опыт), а также некий внутренний стержень, то перемена места службы ему не помеха. Вот и лейтенант С. Старков на новом месте не растерялся. Здесь очень помог капитан Собир Юсупов, тогдашний начальник штаба батальона (сейчас он уже командир части).

О внимании к выпускникам военных училищ в этой части можно судить не по одному лейтенанту С. Старкову. Его однокурсник лейтенант Бахром Мирзарахимов является начальником автослужбы части. А это тоже говорит о многом.

— Я не только с документами работаю, — говорит лейтенант С. Старков. — Когда командиров привлекают на сборы или отправляют в командировки, то провожу занятия в подразделениях, чаще с сержантами. Выпускнику сержантской школы всегда найдется, что перенять от офицера.

Гордость за звание офицера, прозвучавшая в голосе лейтенанта Старкова, заставила внутренне порадоваться за него — этот не потеряется. А, может, серьезный подход к делу — проявление родительских генов? Ведь отец лейтенанта — Рустам ака — является главным инженером «Самарканд электросети». Думается, что для такой ответственной должности необходимо соответствующее профессиональное мастерство. Не случайно родители гордятся сыном, который служит достойно, ратным трудом приумножая славные дела воинского коллектива, всегда и во всем сохраняя верность избранному пути.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Военно-политические новости

МИРНЫМ ПУТЕМ

Президент Грузии Михаил Саакашвили пообещал, что регионы Южной Осетии в течение года будут интегрированы в Грузию мирным путем. «Мы ни в коем случае не начнем военной операции в Южной Осетии», — заявил Саакашвили на встрече с проживающими в Грузии представителями интеллигенции осетинской национальности. Он подчеркнул, что готов предоставить Южной Осетии «любой статус, который там захотят, так как это для нас не проблема».

ОСУДИЛ ТЕРАКТ

Глава Палестинской автономии Ясир Арафат осудил теракт в Тель-Авиве. По его словам, речь может идти о провокации. «Вы прекрасно знаете, кто стоит за этим. Об этом знают и сами израильтяне, США и Европа», — заявил он. Ранее Арафат обвинил израильские спецслужбы в подготовке и организации терактов.

ЕЩЕ 48 ЧАСОВ

Иракские боевики, захватившие в заложники филиппинца, дали властям Филиппин еще 48 часов на то, чтобы вывести из страны свои войска. В противном случае боевики угрожают обезглавить заложника, который был захвачен на прошлой неделе. Об этом сообщил филиппинский дипломат, пожелавший остаться неизвестным. Из каких источников была получена информация о том, что боевики продлили срок ультиматума, не сообщается.

ЖЕРТВЫ ГРАЖДАНСКОЙ ВОЙНЫ

Береговая охрана Италии не разрешила судну, на борту которого находятся 37 африканских беженцев, заходить в порт Сицилии. Еще в июне судно «Кэп Энэмур» (принадлежащее благотворительной организации, которая ставит своей целью помощь беженцам, терпящим бедствие на море), зарегистрированное в Германии, подобрало беженцев, плывших по морю в протекавшей шлюпке. Среди мигрантов — 36 граждан Судана и житель еще одной африканской страны. Большинство африканцев, как полагают, спасаются бегством из суданской провинции Дарфур, где идет гражданская война.

ЭТО ПРОСТО НЕПРИЕМЛЕМО

Американские сенаторы потребовали от Джорджа Буша как можно скорее назначить нового директора ЦРУ. По их словам, это необходимо сделать из-за постоянной террористической угрозы. «То, что пост главы ЦРУ в течение месяца будет занимать исполняющий обязанности директора, — это просто неприемлемо, особенно в такое сложное для Америки время», — заявил заместитель председателя сенатского комитета по разведке Джон Рокфеллер.

ТЕЛЕФОННЫЙ РАЗГОВОР С...

Взятый в плен в Афганистане боевик Муджахид согласился связаться по телефону с главой движения «Талибан» муллой Мохаммедом Омаром. Об этом заявил глава департамента безопасности Афганистана Абдулла Лагмани. «В понедельник Муджахид провел телефонный разговор с Омаром в нашем присутствии. Однако, когда мы после хотели связаться с ним по этому номеру, связь уже не работала. Таким образом, мулла Омар жив», — заявил Лагмани.

ВЕРДИКТ РЕКОМЕНДАТЕЛЬНЫЙ, НО...

Еврокомиссия поддерживает решение Международного суда ООН в Гааге и просит Израиль демонтировать защитную стену, заявил пресс-секретарь Евросоюза Жан-Кристоф Флори, комментируя вынесенный судом вердикт о признании незаконности строительства Израилем защитной стены на Западном берегу. «Мы понимаем, что вердикт Международного суда имеет рекомендательный характер, но мы еще раз обращаемся к Израилю с просьбой убрать разделительный барьер с палестинских территорий, в том числе и в районе восточного Иерусалима», — отметил он.

(По материалам Интернета)

ЮРАГИДА ВАТАН МЕҲРИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўрин топган йигит Ватан мустақиллигининг ҳақиқий ҳимоячиси эканлигини намоён эта олди. 2000 йилда Сариосиё ва Узун туманларидаги босқинчи террорчилар гуруҳи билан бўлган қонли тўқнашувларда махсус бўлинма ўғлонлари олдинги сафларда бўлди. Авазбек учун бу ишонч катта синов майдони эди. У ҳарбий ҳаракатларда ўзининг ҳақиқий профессионалларга хос бўлган мард ва қатъийлиги, жасурлиги боис 2000 йилда «Жасорат» медали билан тақдирланди. Биз ундан жанг хотираларини сўраганимизда:

— Бизнинг авлод душман билан курашиш жараёнларини фақатгина фильмларда кўришган. Ўшанда ҳам юрагимизни ўзига хос ҳис-ҳаяжон эгалларди. Бироқ, Ватан ҳимояси учун, айниқса елкасига эндигина озодлик офтоби теккан юрт ҳимояси учун жангга кириш инсон юрагига ўзгача матонат, журъат бағишлар экан. Душманга бўлган чексиз нафрат, уни янчишга бўлган иштиёқ бизни фақат олға бошлаган. Биласизми, ўша вақтда бирорта сафдошим қўрқув ҳисси нималигини ҳатто сезмаган ҳам. Балки бу ҳолат юртимизга бўлган чексиз муҳаббатимиздандир, — дея сўзлаб берди.

Авазбекнинг юрагига аввало Ватанга бўлган муҳаббатни унинг ота-онаси Жўрахон ака ва Маҳбубахон опалар сингдиришган. Шунингдек, устози капитан Зокиржон Тоҳировнинг ҳам унинг ҳарбийлик фаолиятида катта ўрни бор. Ўз навбатида, ўз касбининг профессионали бўлган сержант Авазбек Солихонов ёш посбонлар устози. Унинг онласи ҳам ҳавас қилса арзигулик. Турмуш ўртоғи Нигорахон билан бирга икки ўғил, бир қизалоқни юртга муносиб фарзанд қилиб вояга етказишаяпти. Юрагида Ватан меҳри бош кўтариб турган бундай инсонлар борки, мустақиллигимиз умрбоқий, келажагимиз дориламон бўлишига ишончимиз комил.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

ЗАНЯТЬ ДОСТОЙНОЕ МЕСТО

Воины экипажа, где командиром танка младший сержант по контракту Нугмон Турсунов, в летнем периоде обучения взяли высокие обязательства. Воины-танкисты решили по всем воинским дисциплинам получать только хорошие и отличные оценки. Пока что у них слово с делом не расходится. Об этом красноречиво говорят итоги боевой учебы за прошлый месяц: все члены экипажа на индивидуальных занятиях по технической, физической, специальной подготовкам показали высокие результаты.

А недавно воины-танкисты отличились и на тактических занятиях, выполнив все поставленные командиром подразделения учебно-боевые задачи с высоким качеством. Не случайно командир подразделения им объявил благодарность.

— Наша цель — совершенствовать свое боевое мастерство и занять достойное место среди лучших экипажей подразделения, — признается командир экипажа Н. Турсунов. — И этого, я уверен, мы добьемся. Ведь со мной служат такие отличные воины, как заряжающий рядовой Музафар Жайнаков, наводчик-оператор рядовой Бахром Исмаилов и старший механик-водитель младший сержант по контракту Хамро Абдусалимов.

Майор З. ХАИРИТДИНОВ.

Маҳоратини оширишяпти

Оддий аскарлар Илҳом Ризаев, Шокир Расулжонов, Жалол Мирзаевлар ҳали хизматга келмасдан ҳайдовчилик касбини эгаллашган. Айни чоғда улар подполковник Шерали Муҳиддинов командирлик қилаётган ҳайдовчилар йиғинида иштирок этишмоқда.

— Мен, — дейди Илҳом, — Наманган вилоятидан муддатли хизматга чақирилганман. Хизматга келишимдан олдин «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли автомобилчилар мактабида ўқиб, ҳайдовчилик касбини эгаллаганман. Ҳозирда ушбу йиғинда жанговар машинани бошқариш сир-асрорларини янада мукаммал ўрганяпмиз.

— Жанговар машинани маҳорат билан бошқариш учун, — дейди Шокир, — йўл қоидаларини яхши билиш, машинани бошқара олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун жанговар машинанинг ўзини ҳам пухта билиш зарур. Айни кунларда бизнинг бутун диққат-эътиборимиз жанговар машинани пухта ўрганишга қаратилган.

Оддий аскар Шокир Расулжонов асли Андижон вилоятидан.

— Қашқадарё вилоятининг автомобиль мактабида ҳайдовчиликни ўрганганман, — дейди Жалол. — Мақсадим етук ҳарбий ҳайдовчи бўлиш. Бу борада устоз-офицерлар бизга чуқур билим беришяпти.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳайдовчи аскарлар йиғинда фаол иштирок этишиб, жанговар машиналарни бошқариш борасида маҳоратларини янада оширишмоқда.

Моҳру РЎЗМАНОВА,
Тошкент гарнизони.

● НАРОД И АРМИЯ ЕДИНЫ

ТЕПЛАЯ ВСТРЕЧА

Одной из самых трогательных традиций, вызывающих огромный всплеск лучших эмоций, стали регулярные посещения воинских частей делегациями городов и районов. В условиях экстерриториального прохождения службы, когда каждый солдат выполняет свой воинский долг вдали от родного дома, приезд земляков всегда становится праздником для всего воинского коллектива.

Командира секции рядового Алишера Хусанова, телефониста рядового Игоря Кашкаева, номера расчета рядового Илера Касымова и наводчика-оператора рядового Нурсеита Жанисбекова, проходящих службу в одной из частей Нукусского гарнизона, объединяет то, что все они призваны из Куйичирчикского района Ташкентской области. Приезд в часть представительной делегации из этого района сразу поставил их в центр внимания сослуживцев и командования.

Скажем сразу, куйичирчикцам не пришлось краснеть. Все они несут службу добросовестно, выполняя родительские наказы. Представитель районного отдела по делам обороны старший лейтенант Умар Уринбаев, представитель районного отделения молодежного движения «Камолот» Хусниддин Ахмедов, методист района Ханифа Хусанова и мать солдата Любовь Кашкаева услышали от командиров и начальников немало лестных слов в адрес солдат, призванных из их района.

Гости тоже не остались в долгу: поздравили перед строем части своих земляков, вручили им памятные подарки. А для сослуживцев организовали праздничный плов.

Но праздник — праздником, а народ должен знать, в каких условиях проходят срочную службу его сыновья. Для делегации из Куйичирчикского района была проведена экскурсия по расположению, гости ознакомились с условиями жизни, быта, досуга солдат части. Совместно с командованием был составлен акт проверки, включивший 21 вопрос, охватывающий все стороны воинской службы воинов. Члены делегации констатировали, что в Нукусском гарнизоне создано все необходимое для того, чтобы защитники Отечества чувствовали о себе заботу и внимание правительства и народа Узбекистана.

Быстро пролетело время, делегация района покинула расположение, а солдаты продолжают свою ответственную повседневную службу. Короткой была встреча, но сколько добрых чувств пробудила она в сердцах воинов, которые с удвоенной энергией продолжили боевую учебу.

Майор Хайритдин ЗАИНИЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

СПРАВЯТСЯ С БОЕВОЙ ЗАДАЧЕЙ В ЛЮБЫХ УСЛОВИЯХ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Следует отметить, что во многом данный подход себя оправдывает. Воспитанный в духе самостоятельности и ответственности за выполнение своих обязанностей, начальник аппаратной младший сержант Мухаммаднодир Саидалиев в учебном бою не теряется, уверенно поддерживая устойчивую связь с командиром **(на снимке)**. У него пока небольшой срок контрактной службы — три года, но за это время он наглядно показал, на что способен военнослужащий по контракту новой формации при правильном воспитании и доверии к нему со стороны старших командиров.

Младший сержант М. Саидалиев не просто хороший младший командир и умелый специалист. Он любит народную и современную музыку, активный спортсмен, имеет первый разряд по рукопашному бою. В этом году он занял первое место в окружных состязаниях по военному троеборью. Назначенный нештатным начальником физической подготовки части, Мухаммаднодир прилагает немало сил для того, чтобы привлечь к активным занятиям физкультурой и спортом все категории военнослужащих.

Именно такие, всесторонне развитые военнослужащие по контракту и будут определять лицо нашей армии на ближайшие годы. От командиров частей во многом зависит, насколько быстро сержантский состав начнет играть в частях и подразделениях новую, более важную роль, определенную ему военной реформой и статусом сержантов Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Подполковник Владимир КАЛОШИН.
Фото **Александра МРУЧАКА.**

Уч ҳарбийдан бири

— Ишлигимда, — дейди Сайфулло кулимсираб, — ҳарбийликни ўзгачароқ тасаввур қилардим. Назаримда ҳарбий либосни кийган ҳар бир инсон ўз-ўзидан довюрак, кучли, матонатли, жасур ва мард бўлиб кетадигандек эди. Ҳа-а, болаликнинг хаёллари ҳам ўша даврлар сингари қизиқ ва беғубор-да.

Суҳбатдошимнинг Ватан ҳимоячиси эканлигини сезган бўлсангиз керак. У асли Андижон вилоятининг Асака туманидан бўлиб, Абдумутал аканинг кенжа фарзандидир. Дарвоқе, уларнинг қишлоғида Сайфуллони айниқса яхши танишади. Чунки шарафли ва ўта масъулиятли касб саналмиш ҳарбийликни эгаллаганлар у ерда саноқли — учтагина.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Сайфулло Усмонов ҳозирда гуруҳ командири катта лейтенант Иномжон Ўрозалиев қўл остида хизмат қилмоқда. Вазифаси пулемётчи бўлган ушбу посбон мана беш йилдирки Қуролли Кучларимиз сафларида. Ҳарбий либос эмас, аксинча унинг соҳиби елкасига олаётган масъулиятни теран ҳис этган ҳолда хатти-ҳаракатларини ўзгартиришни ва айнан шундагина у ҳарбий деган номга муносиб бўлишини кичик сержант аллақачон англаб етган. Шу пайтгача ўқув ҳамда якуний синов машғулотларида Сайфулло эришган натижалар, қўлдан берилмаётган илғорлик юқоридаги гапларнинг ёрқин исботидир.

Нафақат ўз касбининг сирсиноатларини мукаммал ўзлаштиришга, қолаверса, профессионал жангчи бўлишга интилаётган, интеллектуал салоҳиятини ўстириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келаётган кичик сержант Усмоновни қисмдаги билимдон посбонлардан бири десак ҳато бўлмайди. Ахир у хизматдан бўш вақтини кўпинча қисм кутубхонасида, халқимизнинг ўтмиши, яъни тарихи билан боғлиқ асарларни мутолаа қилиш билан ўтказади. Демак, маънавий озуқа олади.

Ишонамизки, бундан буёғига ҳам аълочи сержант ҳар жабҳада голиблик нашидасини суриб, илғорлар сафида боради.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

КАК ЕДИНЫЙ МЕХАНИЗМ

Наш воинский коллектив артиллерийского подразделения, где заместителем командира по воспитательной работе лейтенант Мухтар Курбанов, с удвоенной энергией включился в соревнование за звание лучшего в части. При этом особое значение придается слаженности взаимодействия.

С первых дней службы в должности старшего наводчика орудия мои наставники стремились внушить простую мысль — меткость ведения огня зависит от усилий каждого члена орудийного расчета, от степени слаженности подразделения.

Нынешней осенью мне предстоит увольняться в резерв, а ведь так хочется оставить о себе добрую память в ставшей родной армейской семье. Оттого на каждом занятии по всем предметам летней боевой учебы я стараюсь показать максимально высокие результаты. С таким же азартом и жаждой победы трудятся и остальные члены расчета. Верится — на контрольных стрельбах мы будем действовать как единый механизм.

Рядовой Уткир БАТЫРОВ.

● ҲАРБИЙ-ТЕХНИКА ШАРҲИ

XXI АСР: ҚУРОЛЛАР, ҲАРБИЙ ТЕХНИКА, ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАЛАРИ

Германиянинг «Рейнметалл лэндсистем» компанияси мутахассислари пиёда бўлинмалари учун мўлжалланган, ўта қийин йўллардан ҳам юра олиш қобилиятига эга бўлган янги кўп мақсадли «ЛИВ» номли енгил автомобиль яратдилар. Бу автомобилларнинг иккита тажриба намунаси ҳозирги кунда Афғонистоннинг Германия ҳарбий контингенти жойлашган ҳудудида дала синовларидан ўтказилмоқда. У машҳур «Даймлер крайслер» корпорациясининг «ЖИ» тоифали СДИ 270 серияли машинаси шассиси асосида яратилган (йилдирак формуласи 4х4) ва классик тузилишга эга: двигатель олд қисмига ўрнатилган, ҳайдовчи ва командир ўрни ўрта қисмда, орқа қисмда эса саккизта пиёда аскар учун жой ажратилган бўлиб, улардан олтитаси ён томонлардаги эшиклардан, иккитаси эса орқа томондаги эшикдан машинага чиқиб-тушишни амалга оширадилар. Корпус борти ва таг қисми пўлат зирҳдан ишланган бўлиб, у ўқлар ва снаряд парчаларидан ишончли ҳимоя қилади. «ЛИВ»га қуввати 115 от кучига эга бўлган дизел ва беш поғонали автоматик узатиш қутиси ўрнатилган бўлиб, улар шоссе бўйлаб ҳаракат вақтида энг юқори тезликни 1 соатига 120 километргача етказиш имконини беради. Автомобилнинг жанговар оғирлиги — 4800 кг. Уни жанговар ҳаракатлар ҳудудига С-130 транспорт самолётлари, шунингдек СН-53 Ж вертолётларининг ташқи илгичларида олиб бориш мумкин. Ушбу автомобилнинг биринчи йирик партияси (200-300 донаси) мамлакатнинг қуруқликдаги қўшинлари ихтиёрига 2004 йилнинг ўрталарида етказиб берилиши кутилмоқда.

***

Америка аэрокосмик агентлиги — НАСА мутахассислари қувват манбаи сифатида лазер нуридан фойдаланувчи янги экспериментал учиш аппаратини синовдан ўтказдилар. У тортувчи ҳаво винтига эга бўлган микроэлектродвигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Аппаратнинг фюзеляжи ва қанотида лазер нури қувватини электр токига айлантирувчи фотоэлементлар жойлаштирилган. Аппаратнинг қанот кўлами 1,5 метр, оғирлиги эса 312 граммни ташкил этади. Учиш давомийлиги лазерли ёритгич ишлаши вақти билан чегараланган. Бунгача аппаратнинг театр прожектори нуридан қувват олувчи модификацияси синовдан ўтказилган эди.



Тахминларга кўра, бунга ўхшаш учувчи аппаратлар келажакда атроф-муҳит мониторинги учун ёки радио сигналлари ретранслятори сифатида хизмат қилиши мумкин.

***

Австралиянинг «Аустал шипбилдинг» кема қурувчи компанияси ва ДМС фирмалари «Эрмидейл» русумидаги янги соқчи кемаларини қуриш йўли билан ҳарбий денгиз кучларини модернизациялашни кўзда тутувчи «Лойиҳа 1444» дастурини амалга оширувчи асосий пудратчилар сифатида танлаб олинди. Шартнома баҳоси 357 миллион долларни ташкил этади. 12 та соқчи кемаси қурилиши учун бевосита «Аустал шипбилдинг» (Хендерсон шаҳри кема верфи) компанияси жавобгар бўлади. ДМС фирмаси эса кейинги 15 йил мобайнида кемаларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш билан шуғулланади. Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш муддати 3,5 йил, бош кемани ҳарбий-денгиз кучлари жанговар таркибига киритиш эса 2005 йилнинг бошларига мўлжалланмоқда. Янги соқчи кемалари билан «Фримантл» русумидаги кемаларни алмаштириш кўзда тутилмоқда. Кеманинг узунлиги 56 метр, сузиш узоқлиги эса 3000 милягача бўлган масофани ташкил этади. Кеманинг бакида 25 мм.ли МК 25 «Тайфун» артиллерия қурилмасини ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, бошқа кемаларни текшириш вақтида текширувчи гуруҳ ҳаракатларини таъминлаш учун мустаҳкам конструкциядаги дамлама корпусли иккита катер билан жиҳозлаш ҳам режалаштирилмоқда.

М. САИДИВАЛИЕВ таржимаси.
(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).

АЁЛГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳада ислоҳотлар жараёни кетмоқдаки, бу юртимиз ривожи учун катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз аҳолисининг эллик икки фоизини хотин-қизлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу жараёнда аёлларнинг катта ўрни бор, шубҳасиз. Бугунги кунда юртимиз аёллари ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Шуни унутмаган ҳолда давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳам аёллар манфаатига, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячиси бўлмиш хотин-қизлар қўмиталарининг иш жараёнларига катта аҳамият берилмоқда. Юртбошимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони фикримизнинг ёрқин далилидир. Фармонда белгилаб берилган вазифалар эса ўзининг долзарблиги билан муҳимдир.

Шарқда аёл она, сингил, ёр сифатида ҳамма вақт улуғланиб келинган. Бугунги ривожланган даврда эса у зиммасидаги бир қатор аёллик масъулияти билан бирга эркакларимиз сафида ўз билими, иқтидори, ишбилармонлиги билан меҳнат қилиб келмоқдаки, буни ўз ўрнида қўллаб-қувватлаш лозим. Президентимиз Фармонининг муҳокамасига бағишланган «Хотин-қизлар қўмиталари аёллар манфаатининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига айланиши керак» мавзуидаги йиғинда ҳам айнан ушбу масала илгари сурилди.

Хотин-қизлар қўмиталарининг иш фаолияти ҳақида сўз кетар экан, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги гарнизон ва ҳарбий қисмларда иш юритаётган хотин-қизлар кенгашларининг бугунги кундаги фаолияти бизни қизиқтирди. Ушбу масала бўйича Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оиласи билан ишлаш бўлими бошлиғи Моҳидахон Атабаева билан суҳбатда бўлдик.

— Албатта, барча гарнизонлардаги офицерлар уйи қошида хотин-қизлар кенгаши иш олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси ҳарбий қисмларда ташкил этилган хотин-қизлар кенгашларининг иш фаолиятига эътибор бериш ва улар орқали ҳарбий оилалар ва оила бекалари билан яқиндан мулоқотда бўлиб уларнинг манфаатига тегишли турли масалалар бўйича иш юритишдан иборат, — дея фикрини баён этди суҳбатдошимиз. — Аслида хотин-қизлар кенгашининг иш доираси жуда кенг. Улар ҳокимликлар, турли кенгаш ва жамғармалар билан доимий алоқада бўлади. Ҳарбий жамоаларда ўтказиладиган ҳарбий оилалар иштирокидаги турли тадбир ва кечаларга бош-қош бўлиши лозим. Шунингдек, давлатимиз томонидан жорий этилган аёллар манфаатига тегишли қонун ва фармонлар ижросига ўз ташаббуси билан жавоб бермоғи шарт. Бу борада гарнизон ва ҳарбий қисмлардаги хотин-қизлар кенгашларининг раҳбар ва аъзолари ўз вазифаларини имкон қадар пухта бажаришга ҳаракат қилишади, албатта.

— Президентимиз Оқсаройда хотин-қизлар қўмиталарининг фаолиятига бағишлаб ўтказган мажлисда «Албатта, давлат Хотин-қизлар қўмитасига турли тадбирларни ўтказишда ёрдамини аямайди, лекин бундай тадбирларнинг маъно-мазмуни ва йўналиши аёлларнинг ўзлари томонидан, хотин-қизлар ташкилотлари томонидан шакллантирилиши лозим» деган сўзларни таъкидлашди. Бундан кўриниб турибдики, гарнизон ва ҳарбий қисм хотин-қизлар кенгашлари ташаббускор ва ўз ўрнида талабчан бўлишлари керак. Уларнинг бу борадаги фаолиятларини қандай изоҳлайсиз?

— Аёл дардини аёл тушунади, деганларидек, хотин-қизлар кенгашлари томонидан аёлларга бағишланган ҳар бир тадбирда ҳарбий оила аёлларининг ўзига хос муаммолари кўтариб чиқилади ва ҳал этилади. Масалан, ишсиз ўтирган ҳарбий оила бекаларини иш билан таъминлаш, оилавий муаммоларига эътибор қаратиш, саломатлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ёки уларнинг фарзандлари таълим-тарбия олаётган мактаб ва боғчалар билан ишлаш каби масалалар шулар жумласидандир. Албатта ҳар бир муаммони ҳал этишда кенгаш раиси ва аъзолари ҳарбий жамоа раҳбарларига ҳамда ўзлари алоқада бўлган давлат ва жамоат ташкилотларига суянади. Бунинг учун уларда аввало ташкилотчилик, ўз ўрнидаги ишбилармонлик ва ташаббускорлик фаолияти устун бўлиши лозим.

Ўйлаймизки, гарнизон ва ҳарбий қисмлардаги хотин-қизлар кенгашларининг бугунги кундаги фаолиятида ютуқлар билан бирга ўзига хос муаммолар ҳам мавжуд. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида ва унда белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган «Хотин-қизлар қўмиталари аёллар манфаатининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига айланиши керак», мавзуидаги мажлисда кўтарилган масалалар ва кўрсатмалар ҳарбий жамоа хотин-қизлар кенгашлари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Президентимиз таъкидлаганидек: «Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ».

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ХАЙНЦ ФИШЕР — АВСТРИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Ўтган ҳафта пайшанба куни Австриянинг янги президенти Хайнц Фишер қасамёд қилди. У депутатлар олдида нутқ сўзлаб, конституция ва республиканинг бошқа қонунларига риоя қилишга ҳамда билимларига таянган ва виждон амрига бўйсунган ҳолда ўз бурчини ҳалол бажаришга ваъда берди.

Маълумки, собиқ президент Томас Клестил сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси юрак хуружи туфайли вафот этган эди. Мамлакатда мотам эълон қилиниб, қасамёд маросими одатдагига нисбатан ортиқча дабдабаларсиз ўтди.

Австрия социал демократик партияси (СДП) вакили бўлган Х. Фишер жорий йилнинг апрелида ўтказилган президент сайловида ғалабага эришганди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврни оладиган бўлсак, у мамлакатнинг саккизинчи президентидир.

СДП вакилининг президент этиб сайланиши тарихий воқеа сифатида баҳоланмоқда. Чунки сўнгги 30 йил мобайнида мазкур партия аъзоларининг бирортасига бу лавозимни эгаллаш насиб этмаганди.

Х. Фишер 1938 йил 9 октябрда Грац шаҳрида туғилган. Вена университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган, фан доктори илмий даражасига эга. Янги президент ўз соҳаси бўйича кўплаб илмий ишларнинг муаллифи бўлиб, 1978 йилдан буён Инсбрук университетида дарс бериб келади.

Х. Фишернинг сиёсий фаолияти 1971 йилда мамлакат парламентининг қуйи палатаси — Миллий кенгаш депутатлигига сайланиши билан бошланган. 1979 йилда у СДП раисининг ўринбосари бўлган. 1983 йилда эса Австриянинг фан ва тадқиқотлар бўйича федерал вазири этиб тайинланган. 1987 йилда Х. Фишер яна Миллий кенгашга қайтиб, СДП фракциясига раислик қилган. 1990 — 2002 йилларда у парламент қуйи палатасининг биринчи, кейинчалик эса иккинчи котиби лавозимида фаолият кўрсатган.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

Долларнинг тақдири осиёликлар қўлидами?

АҚШ ҳукумати чиқарган қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш учун Хитой ва Япония ўтган уч ой мобайнида жами 500 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлади. АҚШнинг қимматбаҳо қоғозлар соҳасидаги энг йирик сармоядорларидан бири Билл Гроссининг фикрича, Хитой билан Япония бундай қилмаганида, доллар камида 20 фоиз арзонлашиши мумкин бўлган экан.

Жаҳонда асосий тўлов воситаси ҳисобланувчи долларнинг нархи қанча бўлиши керак, деган саволга кўпчилик АҚШ валютаси юқорироқ юравериши керак, деган жавобни беради. Ҳатто, европаликлар ҳам АҚШ валютасининг нархи ҳаддан ташқари тушиб кетишига қарши. Лекин «кўҳна дунё» вакиллари долларнинг нархини кўтариш лозимлиги тўғрисидаги гап-сўзлардан нарига ўта олмаётган бир пайтда осиёликлар дунё тажрибасида бўлмаган тажрибага қўл урди. Бу эса Хитой билан Япония бундан қандай мақсадни кўзлаган, деган саволни келтириб чиқарди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу қадам орқали Хитой билан Япония ўз миллий валютаси нархи кўтарилишининг олдини олишни ният қилган. Чунки Хитой юани билан Япония иени долларга нисбатан арзон бўлса, бу мамлакатлардан экспорт қилинаётган маҳсулот нархи ҳам арзонлашади. Ушбу мамлакатлар асосан, экспортдан даромад қилиши ҳисобга олинса, осиёликларнинг бу қадар тиришқоқлиги замиридаги сир ошкор бўлади.

Яна бир қизиқ ҳолатни айтиш лозим. Кейинги йилларда АҚШ, Япония ва Хитой ўртасидаги савдо-сотиқда осиёликлар жуда катта ижобий фарққа эга бўляпти. Хитой ва Япония буни АҚШ қимматли қоғозларини сотиб олишга сарфламоқда. Америкаликлар эса ўз навбатида ана ўша қимматли қоғозлардан тушган пул эвазига Хитой билан Яониядан яна маҳсулот сотиб олади. Бошқача айтганда, АҚШ Осиё мамлакатларидан олган қарзи эвазига уларнинг ўзидан маҳсулот харид қиляпти.

Вазият шу кунга қадар учала томонни ҳам қониқтириб келаётганди. Негаки, бир томондан, ўтган йили бюджет танқислиги 542 миллиард доллари ташкил этган АҚШ Хитой билан Яониянинг маҳсулотларини харид қилиш орқали ўз эҳтиёжларини қондираётган бўлса, иккинчи томондан, ушбу мамлакатлар ўзининг энг йирик импортчисини сақлаб қолиш имкониятига эга эди. Лекин яқиндан буён Осиё мамлакатлари ўзлари сотаётган маҳсулотга ўз пуллари билан ҳисоб-китоб қилишларига яна қанча чидар эканлар, деган хавотир пайдо бўлди.

Бундай гап-сўзларга, аввало, АҚШ қимматбаҳо қоғозларининг нархлари тушиб кетиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлар сабаб бўлди. Қўлида миллиардлаб долларлик қимматбаҳо қоғозлар бўлган Хитой ва Япония бундан хавотирга тушиши ва ўз маҳсулотини энди қарзга эмас, балки «жонли» пул эвазига сотишни хоҳлаб қолиши табиий. Қимматбаҳо қоғозлар соҳасидаги етакчи мутахассислардан бири Дэвид Уайсснинг айтишича, айни пайтда Хитой ва Яониянинг АҚШ қимматбаҳо қоғозларига бўлган қизиқиши сўниб бормоқда. Бунда Япония иқтисодиётининг тикланиши ва ички сармоялар яхши даромад бера бошлагани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, осиёликлар АҚШ долларини қўллаб-қувватлашни тўхтатса, вазият икки йўналишда ривожланади. Биринчисига кўра, АҚШ иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар тезлашиши мумкин. Мамлакатнинг экспорт салоҳияти кескин ошиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Лекин валюта нархи кескин, жиловлаб бўлмайдиган даражада тушиб кетса, дунё бозорида саросима келиб чиқиши, жаҳон иқтисодиёти эса таназзулга юз тутиши мумкин.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Африка муаммолари муҳокамаси

Эфиопия пойтахти Аддис-Абеба шаҳрида Африка иттифоқининг (АИ) учинчи саммити бўлиб ўтди. Унда қитъанинг 40 мамлакатидан давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди.

Учрашув иштирокчилари асосий эътиборни Африкани тараққий эттириш стратегиясини ишлаб чиқиш, можароларга чек қўйиш, қашшоқлик ва ОИТСга қарши кураш масалаларига қаратди. Тинчлик ва хавфсизлик кенгаши томонидан минтақанинг баъзи мамлакатларида ҳанузгача давом этаётган низоларни ҳал этиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

АИ маълумотларига қараганда, ўтган асрнинг 60-йилларидан буён Африкада ўттизга яқин можаро юз берган. Оқибатда етти миллион киши қурбон бўлган ҳамда 250 миллиард долларлик моддий зарар кўрилган.

Шу боис саммитда Африка мамлакатлари ҳарбийларидан иборат тезкор кучларни шакллантириш масаласи кўрилди. Келгусида қитъанинг ўз тинчликни сақлаш бўлинмаларини тузиш ҳам режалаштирилаётир.

Аддис-Абеба учрашувида иштирок этган БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўз нутқида минтақа давлатлари раҳбарларини Судан ғарбидаги Дарфур вилоятида кечаётган низоларни бартараф этиш учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга чорлади. Мазкур ҳудудда яшовчи кўчманчи араб чорвадорлари ва ўтроқ маҳаллий аҳоли ўртасидаги қуролли тўқнашувлар оқибатида 11 минг киши ҳалок бўлди, 1 миллионга яқин одам қочқинга айланди.

АИ Судан ҳукуматини ҳунрезлик айбдорларини қуролсизлантириб, қонун йўли билан жазолашга чақирди. Иттифоқ аъзолари Дарфурда тартиб ўрнатиш мақсадида бу ерга ҳарбий бўлинмалар юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Саммитда, шунингдек, олий минтақавий вакиллик органи ҳисобланган Умумафрика парламентининг бош қароргоҳини Жанубий Африка Республикаси пойтахти Претория шаҳрида жойлаштириш, жорий йилнинг октябрида Жазоирда Африка террорчилик сабабларини ўрганиш марказини таъсис этишга қарор қилинди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Новости науки и техники

ЗАВИСИМОСТЬ МЕЖДУ...

Врачи из Бристольского университета (Великобритания) установили зависимость между длиной ног у женщин и предрасположенностью к сердечным заболеваниям. Как сообщила одна из врачей Дебби Лоулор, при увеличении средней длины ног на каждые 4,3 см предрасположенность к коронарной болезни снижается на 16%. Как указывают врачи, длина ног зависит, в частности, от диеты в детстве и состояния окружающей среды. В эксперименте участвовали 4 тыс. жительниц Великобритании от 60 до 79 лет.

ВИРУС ДЛЯ МОБИЛЬНИКОВ

Обнаружен первый сетевой вирус для мобильных телефонов — «Кабир». Вирус может распространяться на определенных моделях мобильных телефонов, в частности на смартфонах модели «Нокиа» и «Сони Приссон», сообщила менеджер по корпоративным коммуникациям и ПР Лаборатории Касперского Ольга Кобзарева. По ее словам, у вируса есть функция распространения по сотовым сетям, он заражает мобильные телефоны по направлению только одной операционной системы — «Симбиан». В ходе предварительного анализа кода вируса выяснилось, что «Кабир» доставляется на телефон в виде файла формата «Си-Ай-Си», маскируясь под программу для защиты телефона. Как сообщила Кобзарева, «пока не зарегистрировано никаких сообщений о том, что этот вирус вызвал какие-то проблемы у мобильных телефонов, пока не обнаружено никаких деструктивных функций».

(По страницам Интернета).

КЎЗ ГАВҲАРИ ЯРАЛАНСА...

Гарвард университети тиббиёт факультетининг бир гуруҳ олимлари кўзи яхши кўрмайдиган кишилардаги кўз асаб толаларини ривожлантиришни ўрганиб олишди...

Шифокорлар ўлган асаб толаларини қўзғатишнинг бирваракайига икки усулини қўллашга қарор қилдилар. Биринчидан, улар кўз гавҳарини яралаб, улардаги асаб толаларини ривожланиши ва тикланишига таъсир кўрсатадиган шамоллашни келтириб чиқаришди. Шунингдек, олимлар бу жараёнга ўстирилган асаб толаларни ҳам жарроҳлик йўли билан қўшишди. Тадқиқотчиларнинг тасдиқлашича, мазкур жарроҳлик усули кўзи яхши кўрмайдиган кишиларнинг кўриш қобилиятини тиклар экан.

● ИЗУЧАЕМ МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВО

УЧЕБНЫЙ ГОД — С НОВЫМ ПОСОБИЕМ

В настоящее время заканчивается подготовка к изданию нового учебного пособия по предмету «Личность и общество».

В соответствии с четырехсторонним договором между министерствами народного высшего и среднего специального образования, Национальным обществом Красного Полумесяца Узбекистана и Международным Комитетом Красного Креста произведена доработка практической части пособия и подготовлено к изданию новое учебное пособие по предмету «Личность и общество».

Международное гуманитарное право (МГП) является отраслью международного права. Это право регулирует отношения между членами международного сообщества, а именно государствами. Основные положения МГП обязательны для выполнения всеми странами. Его цели — сохранение мира, защита людей на основе справедливости и содействие социальному прогрессу в условиях свободы.

Новое учебное пособие отвечает действующей программе предмета «Личность и общество». В практической части содержатся материалы для проведения семинаров, направленных на активное усвоение учащимися академических лицеев и профессиональных колледжей общечеловеческих ценностей, лежащих в основе международного гуманитарного права, и деятельности компонентов Международного движения Красного Креста и Красного Полумесяца. (Кстати, нормы МГП в той или иной степени изучаются еще и в рамках предмета допризывной подготовки юношей).

Международное гуманитарное право, которое также называется правом вооруженных конфликтов, является особым разделом права, применяемым в условиях вооруженных конфликтов. Международное гуманитарное право стремится смягчить последствия войны, во-первых, ограничивая выбор средств и методов ведения военных действий, и, во-вторых, обязывая воюющие стороны щадить лиц, не принимающих или прекративших принимать участие в военных действиях.

Учебное пособие планируется выпустить осенью текущего года.

Ксения БЕРЕЗУЦКАЯ.

● ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИКЛАР

ҚУЁШГА ЯҚИН ОДАМЛАР

ЕХУД КУНЧИҚАР ЮРТ

5. Ўзбекка ўхшайди японлар

(БЕШИНЧИ ВА КЕЙИНГИ ТАНИШУВЛАР)

Ҳамма гапинг тўғри.
Афлотун.
Ерни чопиш керак, бўйш
керак ромни
Токни кўмиш керак,
кечикмай, лекин
Нима қилсак экан
атомни?...

Хиросима билан танишувни дастлаб Тинчлик мемориал музейини томоша қилишдан бошладим. Музейда атом бомбаси ташлангандан сўнг шаҳарда юз берган фожеа тўлигича акс эттирилган.

Қирқ бешинчи йилнинг 6 августида эрталаб соат саккиздан ўн беш минут ўтганича урушнинг нафаси сезилиб турган бўлса-да, баъзи кунлар осмонда самолётлар пайдо бўлиб, бомба ташлаб туришган, ҳар қалай одамлар турмуш ташвишлари билан яшашган. Кимдир томорқасидаги шолини йиғиштириб олаётган бўлган, кимдир ишга шошган, мактаб болалари эса мактабга бориш ташвишида. Ана шу дақиқада, соат миллари шу вақтни кўрсатиб тўхтаб қолган, сфат юз берган, фожеа содир этилган. Даҳшат! Шаҳар устидан беш юз метрдар баландликда атом бомбаси портлаган. Музейда атом бомбасининг макетини кўрдим, унчалик катта эмас, нари борса битта ўртача одам гавдасидек келади. Бироқ ана шу бомба ёшу қари, аёлу эркак 78 минг 150 та одамнинг бошига етган. Аммо кўпчилик кейинчалик вафот этишган, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, атом бомбасидан жабр чекканлар қайд этилаётган рақамлардан анча ортиқ бўлишган. Хиросима аҳолиси атом бомбаси ташлангунча 400 минг киши бўлган, портлашдан сўнг 136 минг киши қолган. Бутун бир шаҳар теп-текис бўлган. Рақамларга эътиборингизни қаратаман: 13,2 км² майдон ёниб кетган, 56 минг 111 та уй ёнган туфайли йўқ бўлган, 6 минг 820 та уй атом тўлқинидан ер билан битта бўлган, 3 минг 750 та уйга атом тўлқинидан жиддий шикаст етган.

Музейдаги фотосуратларда атом бомбаси туфайли танаси куйган, гавдасидан гўшти оқиб тушган, куйиб фақат скелети қолган жабрдийдалар акс этган. Кўзингиз тушиши билан этингиз жунжикиб кетади. Ўн-ўн бирларга кирган болани эрталаб онаси янги шоли ҳосилидан тайёрланган гуруч билан самолётлар ташлаётган бомбадан жабр чекаётганларга ёрдам бериш мақсади-да уйидан чиқариб юборган. Бола онасига:

— Бугун бормай қўя қолай, — деган. Онаси:

— Ўғлим, сенинг бу ишинг Ватанга керак! — дея унга далда берган. Бола темир қутида нонуштаси — пиширилган гуручни кўтариб одамлар учун зарур вазифани бажаришга кетган. Лекин уйга қайтмаган. Ота-онаси уч кундан сўнг кўчадан ўғилларининг пиширилган гуруч солинган темир қутиси, фамилияси солинган жилд ва пойафзалини топишган, ўзи куйиб кетган экан. Темир қутидаги гуруч қоп-қора кўмирдек куйиб, тошдек қотиб қолган. Музей экспонатлари орасида турибди.

Атом бомбаси туфайли Хиросиманинг ўсимлик дунёсига, ҳайвонот оламига ҳам жиддий путур етган. Фожеани сўз билан баён қилиш қийин, даҳшат деб ифодалашнинг ўзи бўлмайди.

Лекин ҳаёт барибир ўз сўзини айтар экан. 1947 йилда харобазорлар орасидан гул унib чиққан.

Бугунги Хиросима замонавий, гўзал шаҳар. Ҳудуди 614 км², аҳолиси бир миллиондан ошиб кетган.

Кечаги Хиросима атом бомбаси инсоният ҳаёти учун қанчалик хавфли эканлигини янада гўзаллаштириб юборар экан. Кимононинг турлари кўп: қизлар, келинлар, аёллар, кампирлар учун алоҳида. Уйда, кўчада, иш пайти, меҳмонга борганда, байрамда кийиладиган кимоноларнинг ҳар қандай аёл ҳам кимоно тиколмайди. Бунинг учун махсус ўқиш зарур. Кимонони кийиш учун ҳам маълум бир тайёргарлик талаб этилиб, тартиб-қоидага риоя этиш керак.

Киотода японча чой ичиш маросимида ҳам иштирок этдим. Японлар шу оддий бир чой тайёрлаш жараёнини ҳам санъат даражасига кўтаришибди. Менинг назаримда, чой тайёрлаш оддийгина юмушдек эди. Японча чой тайёрлаш жараёни жуда мураккаб экан. Энг аввало махсус идишда сув қайнатилади. Сўнг чой тайёрланадиган идишлар жуда синчиклаб ювилади, тозаликка эътибор кучли. Кейин катта бир пиёлага чой кукуни солиниб озгина сув қуйилади ва махсус чўтка ёрдамида қўзғатилади. Қўзғашнинг ҳам ўзига хос услуби мавжуд. Ана шундан сўнг чой совун кўпигидек кўпиради. Ана энди унинг устига қайноқ сув қуйилади. Қарабсизки, чой тайёр. Тайёр бўлган пиёладаги чой чойхўрга қўшқўллаб узатилади. Чойхўр ҳам пиёлани қўшқўллаб олиши керак. Ҳўплашнинг ҳам ўзига хос тамойили бор. Пиёланинг бир четидан, бир ҳўплаган жойдан бошқа ҳўпламай, то тамом бўлгунча ичаверасиз. Чойнинг таъми хушбўй, аччиқкина. Ичсангиз мазза қиласиз. Мен японча чой тайёрлашга уриниб кўрдим, қанча қўзғамай кўпирмади. Демак, японча чой тайёрлаш учун ҳам маълум тайёргарлик зарур экан.

Киотода бўлгандан кейин албатта Рёандзи боғига ҳам бир кириш керак. Бу боғнинг турлича номлари бор: «Тошлар боғи», «Фалсафий боғ», «Рёандзи боғи».

Ким билади дейсиз, балки Киотонинг энг катта бойлиги ҳам ана шу боғдир. Бундан бир неча аср илгари донишманд руҳоний Соами турли катталикдаги ишлов берилмаган ўн бешта тошни олтита жойга оқ қумга жойлаштирганида ўзидан кейин бу тошлар, бу боғ одамларда қизиқиш уйғотишини ўйлаганми, йўқми, буясини билмадим. Бироқ бугунги кунда энг гавжум қадамжолардан бири шу боғ.



Мен сизга олдиндан ўн бешта тош деб айтиб қўйдим. Чунки бу ерга кирмасимдан олдин шунча тош мавжуд эканлигини эшитган эдим. Аммо бу ерга кириб, тошларни томоша қилиб, қайси томондан қараб, қанча санаманг, барибир ўн тўртта чиқаверади. Ўн бешинчи тошни кўриш учун изланишингиз, ҳаракат қилишингиз керак. Бир жойда турсангиз кўролмайсиз. Тошларнинг сирлилиги ҳам ана шунда. Тошларни санаб бўлгач, энди ўтириб фикрланг. Тошлар япон иероглифларини эслатар экан.

— Бу олтита қитъа, атрофидаги оқ қумлар сув, океан, — дедим мен тошларнинг жойлашувига қараб...

— Ана сиз ўзингизча фикрладингиз, — деди шеригим.

Япония оммавий ахборот воситалари тўғрисида гапирганда, биринчи навбатда японларнинг газетхонлигини таъкидлаш жоиз. Мешмча, газета ўқимайдиган япон бўлмаса керак. Японияда шу боис эрталабки ва кечки газеталар миллионлаб нусхада чоп этилади. Японияда биринчи газета «Канпан Батабиа симбун» 1862 йилда пайдо бўлган. Аммо доимий чиқмаган.

Япония журналистикаси тарихи ўн тўққизинчи асрнинг етмишинчи йилларидан бошланади. 1871 йил 23 январдан «Иокогами майнити» чиқа бошлаган. Шунингдек, «Токио нити-нити», «Юбин хоти», «Емиури», «Асахи» газеталари ҳам ана шу вақтда чиқа бошлаган. Дастлабки газеталарни ҳокимият қаттиқ назорат остида чиқарган.

Бугунги кунда Японияда юздан ортиқ газета-журналлар чоп этилмоқда. Кўплаб телерадиокомпаниялар фаолият юритмоқда.

Ҳарбийларнинг ҳам ўз газета ва журнали бор. «Секуритариан» журналида асосан ҳарбийлар фаолият кўрсатишади, «Асагумо Симбуйся» газетасида фуқаро журналистлари фаолият кўрсатишади. Журнал фақат ҳарбий мавзудаги материалларни чоп этаётганлиги учун ўқувчилар эътирозига дуч келган. Шунинг учун кейинчалик мавзулар доираси кенгайтирилган. Энди журнални иккита қилиш масаласи кўндаланг турган экан.

Кези келганда, икки оғиз ўзбек—япон алоқалари хусусида ҳам тўхтаб ўтай.

Хабарингиз бор, 2002 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Японияда бўлган эди. Бу иккала давлат ўртасидаги муносабатлар юқори даражада эканлигини намойиш этди.

2003 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири С. Сафоев амалий ташриф билан Японияда бўлди. Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалалари, Марказий Осиё ва Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди. Ҳаво алоқаси тўғрисидаги биринчи шартномага имзо қўйилди.

Икки томон ҳам терроризмга қарши курашда халқаро аксилтеррор коалиция фаолиятини юксак баҳоламоқда. Ўзбекистон Афғонистонни иқтисодий тиклаш Токио конференциясида иштирок этди.

Ўзбекистон ва Япония Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Иқтисодий, маданий алоқалар ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётир.

Мана, ниҳоят охирги сўзни айтишга ҳам фурсат етди.

Бугунги меҳмондўст, бағри очиқ, самимий, ниҳоятда меҳнатсевар япон миллати тарих саҳнасида бирданига пайдо бўлиб қолган эмас. Ўзига хос узоқ тарихга эгадир. Айтишади-ку, «тарихи йўқ халқнинг келажаги йўқ» деб.

Мен японлар ҳақида гапирганда Фитрат домланинг қуйидаги эътирофини эслаб ўтишни жоиз деб билдим. (Бу эътирофнинг тарихи юз йилга бориб тақалади).

«... Бундан олти ой муқаддам Истамбулга Но Камо номли ёш япон сайёҳи келган эди. У шайтон аравасида (велосипед) уч йил давомида олам кезиб, Чин, Ҳинд, Эрон, Арабистонларни айланиб чиқиб, бу ерга келганда ва бундан кейин шу икки чархли аравасида Фарангистонга сафар қилиш фикри борлигини эшитдим. Шу йигит билан учрашишни хоҳладим. Бир дўстим орқали хонасига бориб, у билан мулоқотда бўлдим. 26 ёшлардаги бир йигит курсида ўтириб хат ёзарди. Пўлдоши, яъни япон давлатининг кафолати бўлган байроқча илинган шайтон араваси ҳам рўпарасида турарди. Бизни эҳтиром билан кутиб олди, ўтирдик, уч йил муддатда исломий мамлакатларда кўрган ажойиботларини бизга сўзлаб берди. Суҳбат асносида дилим танг бўлиб сўрадим: — Биродар, бепул, ёлғиз, беаслаҳа бу икки чархли араванг билан Арабистоннинг жонни қуйдирувчи чўлларидан қандай ўтдинг? Фараз қилдикки, ўзингга таом топиб еб, ётар жой ҳам топдинг, лекин чумчуқни ҳам сог қўймайдиган саҳроий араб чангалидан қандай халос топдинг?

Япон йигити менга қараб кулди-да, қўлини кўтариб Япония давлатининг байроғини кўрсатиб деди:

— Шу байроқ мени сиз айтаётган хавф-хатардан, мушкулотлардан муҳофаза қилди.

Бу кучли жавобдан титраб кетдим, бир лаҳза сукут сақладим, лекин бу қатъий мағлубият оғир ботди, қалбимда бир интиқом туйиб, йигитни гапнинг ўзи билан мағлуб қилиш мақсадида, дедим:

— Биродар, аҳли ислом табъан меҳмондўст ва мусофирпарварлар. Шунинг учун сени ҳурмат қилганлар, лекин сен Фарангистонга саёҳат қилмоқчисан, у ерда сенинг ҳолинг мушкул бўлади, зеро овруполиклар ҳеч бир мусофирнинг ҳолига қарашмайди.

Лекин Но Камо хотиржамлигини бузмай, деди:

— Бизнинг миллатимиз ўзининг буюклиги ва шарафини бутун заминга тараттандир, унинг бирор бир вакили дунёнинг ҳеч бир нуқтасида мушкулотга дучор бўлмайди. Мен шундай қавм орасида ҳам бўлдимки, япон миллатидан бошқа нарсанинг номини билмайдилар. Кейин мен борган баъзи мамлакатларда одамлар бизни ифтихор билан тилга олиб, мактабда ўз болаларига дарс берадилар. Албатта, улар мени араблардан ҳам кўпроқ эҳтиром қилдилар. Мана шуни дунёнинг шарафу саодати деса бўлади!».

Бугун ҳам қуёшга яқин одамлар ёхуд кунчиқар юрт дунёнинг «шарафу саодати»га мушарраф. Ва бундан сўнг ҳам ана шундай бўлиб қолажак. Японияга бир бориб, японлар билан мулоқотда бўлган ҳар бир одам шунга амин бўлади. Ўзимдан қиёс.

Подполковник
Абдураззоқ ОБРУЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Тошкент — Токио — Хиросима — Киото — Тошкент.

ТУҲМАТ БАЛОСИ

Бошқаларга туҳмат қилиб шивирлайдиган одамни уйингдан ҳайдаб чиқар.

ФАИС.

Кексаларимиз доимо дуога қўл очганларида, «Илоё, сув балосидан, ўт балосидан, қуруқ туҳмат балосидан Аллоҳнинг ўзи асрасин», дея омин қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. Уша учта бало — ҳақиқий офат бўларкан. Қуйидаги воқеа ўғли туҳматга учраб, азият чеккан онанзор ҳақида. Уни аянинг тилидан ёзишга жазм айладим.

«Ўғлим Акбарнинг армия хизматидан қайтишини интиқлик билан кутардик. Эшик тиқ этса, «Ўғлим келдимикан?» дея ялт этиб қарардим. Хўжайиним бўлса ҳазиллашарди:

— Ўғлинг келса, уйимизни тополмай қўшни домга ўтиб кетса-я? Ахир кўчамизда озмунча ўзгариш рўй бердими?

Кўп ўтмай ўғлим ҳарбий хизматдан қайтди. Ундан сал олдинроқ у хизматни ўтаган жойдан «Ташаккурнома» келган эди. Дарҳол қариндошлар йиғилди. Эртаси куниёқ «Аскар тўйини» ўтказдик. Ўғлимга қараб тўймайман. Хизматга бориб, анча тўлишибди. Менга «Юмушларни бажарманг энди. Нима иш бўлса, ўзим қиламан», дейди болажоним. Илгарилари битта иш айтсам, «Ҳозир, аяжон», дея кўзимни шамғалат қилиб қочарди. Армия уни хўп тарбиялабди. Менга, дадасига бирам меҳрибон-ей. Синглиси Сабинани эркалатгани-эркалатган. Тезда болагинамни уйлантириш ҳаракатига тушдик. Ахир ҳар бир онанинг орзуси келин олиб, невара кўрмоқ. Қўшни маҳалладаги Дагар ўқитувчининг қизига совчиликка бордик. Ўғлим ҳам у қизни ёқтираркан. Учинчи маротаба борганимизда нон ушатиб келдик. Оёғим олти, қўлим етти бўлиб, тўйнинг кам-кўстини тўлдирай деб елиб-югурдим. Бир куни бозордан қорибгина қайтаётсам, ёлғизгина қизим Сабинани қорақалпоғистонлик келин, қўшнимиз Жанес турткилаётган экан.

— Ҳой, қўшни, тинчликми? Нима гап?

— Ёлғиз қиз деб, Сабинангизни эркалатворгансиз. Қизим Терханни қўлидан коптогини тортиб олибди.

— Шунга шунчами, қўшни. Боламдан айб ўтган бўлса, мен кечирим сўрайман. Болаларнинг ўртасига тушманг.

— Бола, бола дейсиз. Бу бошга битган бало бўлади-ку!

Шу пайт ўғлим Акбар келиб қолди. Жанеснинг шаллақилигини кўриб, чидай олмади.

— Аямга бақирманг! Ҳақингиз йўқ!

Сўнгра менга юзланди.

— Юринг, аяжон, уйга. Қўлингиздагиларни менга беринг.

Эндигина зинапоядан кўтарилаётгандик, ортимиздан Жанес етиб келиб, ўғлимнинг ёқасидан ушлади.

— Сен тирранча нимага менга бақирасан? Тилинг чиқиб қолибдими?

— Ёқамни қўйворинг, опа!

— Мана сенга, ифлос! Мана сенга! Илоё қирчинингдан қийилгур! Йигит бўлмайгина ўл! Менга бақирдинг-а! Ҳозир сенга кўрсатаман!

Жанес ўғлимни уриб-уриб, деразасини қўли билан синдирди-да, ҳовлига чиқиб, айюҳаннос солди.

— Вой-дод, қўшнилар, ёрдам беринглар! Акбар ўлгур номусимга тегмоқчи бўлди.

Ҳайратдан ёқамни ушладим. Ўғлим ортига қайтмоқчи бўлганди, зўрга уйга олиб кирдим. Бир оздан сўнг ҳовлида унинг қораси ҳам кўринмади. Жанеснинг шаллақилигини ҳамма билади. Шунинг учун унинг гапларига ҳеч ким эътибор бермади. Кечга томон милиция формасидагилар ўғлимни олиб кетишди. Жанес бориб туман прокурорига арз қилиб, экспертизадан ўтибди. Ўғлим бир туҳматнинг ортидан ноҳақ етти ой ўтирди. Ҳар куни йиғлайман. «Ўғлим қоронғуликда ўтирса, мен бу ёруғликда қандай юраман», дея ишимга ҳам бормай қўйдим. Уйдан чиқмайман. Маҳалладагилар йиғилиб, прокурор номига хат ёзишиб, ўп бештача аёллар билан мени ҳам қўярда-қўймай унинг идорасига олиб боришди. Бизнинг арзимизга ҳеч ким қулоқ солмади. Аризани зўрга олиб қолишди. Жанес билан муроса қилмоқчи бўлдик. Синглим Марҳамат ҳар эҳтимолга қарши, дея диктофон ҳам олволибди. Жанес ишни бости-бости қилиш учун 100 доллар сўради. Болам учун пулни аямидим. Тўйга деб йиғиб қўйган пулларимни бермоқчи бўлдим. Марҳамат унамади. Адвокатимизга Жанеснинг таъмагирлик қилгани ҳақидаги кассетани топширди. Суд ҳам бўлди. Ўғлим 118-модда, яъни бировнинг номусига тажовуз қилишда айбланди. Болам бечора ноҳақликдан, ёш умри хазон бўлаётганидан мўлтираб турибди. Ҳукмни эшитиб, ҳушимдан кетиб қолибман. Шифохонада ўзимга келдим. Анча касал бўлиб ётиб қолдим. Қуда томон бу гапларни эшитиб, тўйни қайтарибди. «Ахлоқсиз болага қизимни бермайман», деб. Ўғлимга, тўйнинг бузилганига роса куйдим. Хайрият адвокат жонимга оро кирди. Биздан «Суд ҳукмидан норозимиз. Бошқа туман судида қайтадан ишни кўриб чиқишларингизни сўраймиз», деган мазмунда ариза ёздирди. Ярим йилдан сўнг қўшни туманда суд бўлиб, адвокатимиз ёрдамида ҳақиқат қарор топди. Аммо мен ёш бўлиб юрак хасталигига, дадаси эса қон босими касаллигига чалиндик. Бошим тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди. «Сув тоғни емиради, туҳмат одамни», деб бежизга айтилмас экан. Ҳеч кимнинг бошига туҳмат балоси ёғилмасин. «Туҳматчи туҳмат билан ўлади», деганлари ҳам рост экан. Жанес қилган туҳмати учун жазосини олди.

Раҳматли Қудрат момом «Туҳмат тош ёради, тош ёрмаса — бош ёради», деб кўп таъкидларди. Туҳмат гапларни деб, қанчадан-қанча оилалар бузилган, инсонлар азият чеккан. Шунинг учун бу беш кунлик дунёда бир-биримизни авайлаб, асраб яшайлик, азизлар.

Хонбиби ҲИММАТ қизи.

Япон телевидениеси — Ўзбекистон тарихи ҳақида

Кунчиқар мамлакатдаги етакчи телеканаллардан бири «ТБС» («Токио Броадкастинг Систем») дастурида Ўзбекистоннинг қадимий тарихига бағишланган янги илмий-оммабоп фильм намойиш этилди. Унга «ТВ Мэн Юнион Инк.» компанияси ижодкорлари продюсерлик қилишган.

«...Шарқ бозорлари. Улар ҳар доим шундай тўкин-сочин ва одамлар билан гавжум бўлган. Бу жойда ҳаёт қайнайди. Мавжуд эртакомуз манзаранинг ўзи ёхуд анвойи зираворларнинг хушбўй иси киши иштаҳасини очади, гўёки бозордан уйга қайтиш одамнинг ёдидан кўтарилади. Ҳозир биз Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги машҳур Чор-су бозоридамиз. Айтишларича, бу ердан кунига йигирма мингдан зиёд харидорлар мамнун бўлиб кетишар экан. Сиз кўраётган мана бу нозне ъматларни, ширин мевалару, миллий таомларни яна қаерда учратиш мумкин?» — дея япон мухбири бозорда ўз ҳикоясини ана шу сўзлар билан бошлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон азалдан Шарқ билан Ғарбни боғловчи кўприк вазифасини ўтаб келган. Бир сўз билан айтганда, Европадан Японияга айнан Ўзбекистон орқали ёки мамлакатимиздан Хитой орқали кунчиқар мамлакатга тўғридан-тўғри ўтган кундалик турмуш анжомлари аниқланган. Фильмда бу ҳақида кўплаб лавҳалар келтирилади. Жумладан қишнинг аёзли кунларида қўл келадиган сандал Японияга, айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан кириб келганлиги фильмда ҳикоя қилинади.

Буддавийлик дини тарихи ва унинг ривожланиш даврига хос бўлган архитектура ёдгорликлари ҳамда санъат асарлари фильмнинг асосий мавзуси қилиб олинган. Дунёдаги энг йирик эътиқодлардан бири буддавийлар дини Ҳиндистонда пайдо бўлган эсада, у кўҳна Ўзбекистон орқали япон заминига ўтган. Бунга Сурхондарё вилоятидаги қадимий шаҳар — Қоратепа гувоҳлик беради. Марказий Осиё буддавийлик тарихини ўрганиш мақсадида ўзбек ва япон археологлари қарийб ўн беш йилдан буён ҳамкорликда изланишлар олиб боришмоқда.

«Япон олими яқинда 82 ёшга кирган бўлсада, у Қоратепада тинмай меҳнат қилмоқда. Профессор К. Като ўзбек-япон халқлари ўртасидаги самимий муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, олиб борган кенг илмий тадқиқотлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан «Дўстлик» ордени билан мукофотланган. Уни нафақат термизликлар, балки бутун Ўзбекистон халқи яхши танийди», дейди муаллиф.

— «Жаҳон тарихи сирлари» номли кўп қисмли фильмнинг навбатдаги сонини айнан Ўзбекистонга бағишлашимизга сабаб фақат таҳririятимизга келаётган саноқсиз мактублар бўлиб қолмай, балки қатор мамлакатлар тарихига доир фильмларни яратишда биз билан ҳамкорлик қилиб келаётган таниқли япон тарихчи олимларининг фикр ва маслаҳатлари бўлди, — дейди «ТВ Мэн Юнион Инк.» компаниясининг директори жаноб Тошиҳиро Като. — Ўзбекистоннинг бой тарихи жаҳон цивилизациясида шу қадар ўзига хос муҳим ўринни эгаллайдики, дунё тарихини сизнинг кўҳна юртингиз ўтмишисиз яхлит ҳолатда тасаввур қилиш мушкул.

— Дарҳақиқат, фильмни яратиш жараёнида шундай хулосага келдикки, Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ҳақидаги маълумотларни атиги бир фильм билан қамраб олиш қийин. Бундай «тарихий ҳақиқат»ни эътиборга олган ҳолда биз яқин келажакда, кўҳна ўзбек диёрининг ўтмишига қайта мурожаат қилиш ниятидамиз, — деб ўз фикрини давом эттирди японияли продюсер.

Фильмга «Хитачи» компанияси ҳомийлик қилди.

Б. АЛИМОВ, «Жаҳон» АА Токио.

Ранг-баранг олам

«ШОХДОР ИТ»

Белгород вилоятилик фермер Анатолий Лукин фожеали равишда ҳаётдан кўз юмди. Анатолий Бяша лақабли ўзи боқиб, катта қилган, қўриқловчи ит сифатида ўстирган қўйининг қурбонига айланди. Қўчқор аввалига тўсиқ ёнидан ўтаётган одамларга тегмасди, кейинчалик эса ундан ошиб ўтиб, шохлари билан ўтган-кетганни сузадиган одат чиқарди. Шикоятларга қарамай, Лукин «шохдор ит»ни тартибга чақириб қўймади. Уйдагилар ҳам Бяшани Янги йил кечаси ёки Рождествога сўйишни маслаҳат берганларида фермер розилик бермади, сўзида қатъий туриб олди.

Бир куни фермер уйига қайтар экан, севимли Бяшаси билан ўйнагиси келди, тўрт оёқлаб туриб олди ва «ба»лаб уни чақира бошлади. Аввалига Бяша мулойим чақирувчига жимгина қулоқ солиб турди, кейин эса қони қайнаб, шохи билан хўжайнини сузиб олди. Музлаб қолган Лукиннинг жасадини бир соатдан сўнг ҳовлига кираётган рафиқаси кўриб қолди.

ТЕМНОТА — ДРУГ БИФШТЕКСА

Самым модным местом в Калининграде стал ресторан, где посетители сидят в полной темноте. Его владелец объяснил свое нововведение тем, что люди должны отрешиться от посторонних впечатлений и сосредоточиться исключительно на вкусе еды. Именно поэтому в заведении запрещено курить: ведь запах табака может помешать наслаждению пищей. Ресторан также охотно посещают влюбленные парочки, считающие, что темнота — друг молодежи.

ФАЛОКАТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Америка полициясиёмғирли кунларда юз берадиган кор-ҳолларнинг кўпчилигига соябон кўтарган йўловчилар сабабчи бўлишларини аниқлаган. Чунки соябон йўловчининг олдини тўсиб қолиб, кўпинча у яқинлашиб келаётган транспортни сезмай қолади. Шунинг учун АҚШда янгича соябон ихтиро қилинди. Унинг юқори қисмига батареядан қувват оладиган лампочка ўрнатилди. Энди йўловчилар чорраҳадан ўтишаётганда шу лампочкани ёқиб қўйишса бас. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

КУЛИНАРНЫЕ ПРИСТРАСТИЯ...

Главный кондитер Белого дома Роланд Меснер 30 июля уходит в отставку, после чего представит свою новую книгу о кулинарных пристрастиях американских лидеров. Меснер прослужил кондитером в Белом доме 25 лет. Так, по словам Меснера, Джордж Буш любит пироги «а-ля мод» (пирог с мороженым), а Билл Клинтон вишневые пирожные. Также кондитер рассказал, какой торт хочет заказать себе на свадьбу Челси Клинтон.

100 САМЫХ ВЫСОКООПЛАЧИВАЕМЫХ...

Журнал «Форбс» опубликовал список 100 самых высокооплачиваемых знаменитостей. На первое место в этом году вышел актер и режиссер Мэл Гибсон, чей фильм «Страсти Христа» принес ему заработок в размере 210 млн. долларов. На втором месте находится чемпион по гольфу Тигер Вудс, за ним следуют ведущая Опра Уинфри, актер Том Круз и рок-группа «Ролинг Стоунз». Дженнифер Аннистон, возглавлявшая список в прошлом году, заняла 17-е место, ее муж Бред Питт оказался на 37-м. Второй год в список не попадает Бритни Спирс, занявшая первое место в 2002 году.

ЖУКИ-«КНИГОЛЮБЫ»

В Израильской национальной библиотеке сотни книг оказались повреждены жуками, которые прогрызли в них большие дыры. Как сообщило руководство библиотеки, в то же время наиболее редкие и ценные экспонаты, в том числе письма Альберта Эйнштейна, оказались нетронутыми. Жуки, завезенные при перевозке книг из США или Европы несколько лет назад, впервые были обнаружены три месяца назад на страницах книги XIX века.

(По материалам печати).

ЭКОЛОГИЯ В ФОТОГРАФИЯХ

Программа ООН по защите окружающей среды (ЮНЕП) объявила четвертый международный фотоконкурс по вопросам экологии.

Главной темой конкурса, спонсором которого выступает компания «Кэнон», является личный взгляд фотографа на окружающий нас мир и на проблемы, связанные с природой и окружающей средой.

По словам исполнительного директора ЮНЕП Клауса Топфера, работы, представленные на четвертый международный фотоконкурс, как и фотографии предыдущих конкурсов, станут катализатором политических и социальных перемен, необходимых для достижения намеченных целей в решении социально-экологических проблем.

К участию в конкурсе приглашаются профессионалы, а также фотографы-любители всех возрастов из всех стран. Работы принимаются до 24 октября 2004 года.

По информации организаторов, победителям будут вручены призы в общей, юношеской и детской категориях. В частности, победитель в общей категории получит 20 тысяч долларов США.

Подробнее ознакомиться с условиями конкурса можно на специальном веб-сайте.

Фарҳод АРЗИЕВ, ИА «Жаҳон». Нью-Йорк.



Жаннатмакон гўзал диёримизнинг ҳар бир куни ўзгача. Бунда ҳар фаслнинг ўз гашти, лаззати ва тароватн бор. Сўлим баҳор келинчаклар гўзаллигига менгзалса, ёз унданда завқли, куз йиғим-терим ва хирмонлар булутларга қадар кўтарилдиган кез, қишда оппоқ қорларга эса барака рамзи сифатида қаралади. Тинчлик, осойишталик ҳукм сураётган табаррук она-Ватанимизнинг ҳар қаричидан ҳаёт аксини, яшовчанлик, бунёдкорлик фазилатларини учратиш ҳайратланарли воқеа эмас. Келажак сари қадам ташлаётган ёшларимизга пиру бадавлат отахонларимиз, табаррук момоларимиз оқ йўл тилайди. Қисқаси, шонр айтганидек, «Бир ўлкаки, тупроғидан олтин гуллаган...».

Александр МРУЧАК суратга олган.

Фестиваль якунланди

Тошкент давлат санъат институтида талаба ёшлар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивалда талабалар ўзларининг диплом спектакллари ва саҳнавий чиқишлари билан қатнашдилар. Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари кўплаб номинациялар бўйича ғолибларни аниқлашди.

Умумий натижаларга кўра, «Ревизор» «Энг яхши спектакль», — дея баҳоланди.

Шавкат Юлдашев — «Энг яхши сценарий муаллифи».

Наргиза Маматқулова — «Энг яхши қўшиқчи».

Меҳрибон Иброҳимова — «Энг яхши аёл роли ижрочиси».

Умид Ҳамдамов эса «Энг яхши эркак роли ижрочиси» деган эътирофга сазовор бўлдилар.

Шунингдек, фестивалда «Энг яхши драматург», «Энг яхши кинофильм», «Энг яхши фотосурат», «Энг фаол магистр», «Энг яхши талаба» каби номинациялар ғолиблари ҳам аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шундай қилиб, талабалар ижодиёти фестивали ўз якунига етди. Биз ўз истеъдодлари, маҳоратларини муносиб даражада намойиш эта олган талабаларни қутлаб қоламиз.

Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА.

ПОДДЕРЖКА КУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЕЙ

В Международном караван-сарае культуры Академии художеств Узбекистана состоялась торжественная церемония передачи ему выставочного оборудования Посольством Японии в Республике Узбекистан.

Переданный комплект выставочного оборудования состоит из 47 витрин 7 различных конфигураций, предоставленных по грант-контракту японского правительства на сумму свыше 60 тысяч долларов США.

На организованной здесь выставке представлена полученная в дар от Посольства КНР коллекция керамических изделий с использованием старой технологии, античных и средневековых сюжетов.

В перспективе в витринах будут экспонироваться произведения из керамики Великого Шелкового пути из разных стран.

Караван-сарай культуры, являющийся на протяжении последних лет местом проведения важных международных выставок, концертов зарубежных исполнителей, научных симпозиумов, встреч, обмена опытом и сотрудничества ученых, формирует свое музейное собрание «Керамика Великого Шелкового пути» и библиотеку, которые постоянно пополняются ценнейшими экспонатами, среди которых много уникальных произведений искусства и настоящих книжных раритетов, в том числе из Японии и других стран.

В церемонии принял участие Чрезвычайный и Полномочный Посол Японии в Узбекистане Акио Кавато.

Жамшид РАУПОВ, корр. УзА.

● ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

Боксчиларимиз кучлилар сафида

Профессионал бокснинг энг нуфузли йўналишларидан бири — Жаҳон бокс уюшмаси янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унда профессионал боксчиларнинг 30 июнга қадар ўтказган жанглари инобатга олинган.

Янги рейтингнинг юқори поғоналаридан уч нафар ўзбекистонлик профессионал боксчи жой олди. 66,6 килограммгача вазн тоифасида рингга чиқадиган ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров олтинчи поғонада қайд этилган. Японияда жангларга тайёргарлик кўраётган Ф. Бакиров профессионал рингда 20 жанг ўтказиб, ўн тўққизтасида ғолиб чиққан, бир учрашув дуранг натижа билан якунланган.

63,5 килограмм вазн тоифасида ҳаваскорлар ўртасида жаҳон, қитъа ва Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев профессионал боксда ҳам жаҳон чемпионлигига асосий даъвогарлардан ҳисобланади. Ҳозирча, ўн беш жангдан ўн тўрттасини ўз фойдасига ҳал қилган М. Абдуллаев рейтингда 14-ўринда бормоқда.

Яна бир таниқли боксчимиз Артур Григорян анчадан буён рингга кўтарилмаётган бўлса-да, рейтингда 12-поғонада қайд этилган. Собиқ жаҳон чемпиони — А. Григорян профессионал рингда 37 жанг ўтказиб, ўттиз олти маротаба ғалаба қозонган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Германия олийгоҳлари

ГФР олийгоҳлари хорижий мамлакатлар ёшларининг таҳсил олиши учун кенг имкониятлар ато этади. Бугунги кунда Гёте ва Бетховен ватанида 150 мингдан ортиқ хорижий талаба таҳсил олади ва бу жиҳатдан Германия дунёда учинчи ўринни эгаллайди.

Нега айнан ГФР? Бунинг сабаби мамлакат олийгоҳларининг қадимий урф-одатларни замонавий таълим, фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари билан уйғунлаштира олганидадир. Бундан ташқари, олий таълимнинг 90 фоизи давлат томонидан молиялаштирилган ва 3—12 фоиз миқдоридаги чет эллик талабаларга белгиланган квота доирасида бепул таҳсил олиш имконияти мавжуд.

Немис университетлари талабалари таълим жараёнини ташкил этишда бевосита иштирок этадилар, зарур фанлар, семинарлар ва амалиёт ўташ муассасаларини ўзлари мустақил танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга, улар бир вақтнинг ўзида учта ва ҳатто ундан ортиқ касб мутахассиси бўлишлари мумкин. Маърузаларга қатнашиш мажбурий эмас, лекин амалий машғулотларни ўтказиб юбормаслик қатъиян тавсия этилади.

ГФРда ўқув йили икки семестрга бўлинади: қишки (октябрдан мартгача) ва ёзги (апрелдан сентябргача). Шу билан бир қаторда, таълим олишнинг икки даври мавжуд бўлиб, улардан биринчиси Германияда «Грюндстудиум» деб аталади. Икки йил мобайнида талабалар ўзлари танлаган соҳа доирасида таҳсил олишади, имтиҳон топширишади, лекин уларга ҳали диплом берилмайди. Шундан сўнг, талабалар асосий босқич «Хауптудиум»да таълимни давом эттиришади. Бу босқичда талабалар ўз соҳалари бўйича диплом ишларини ёзадилар ва давлат имтиҳонларини топшириш учун ўз билимларини чуқурлаштирадилар.

Олий ўқув юртлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, замонавий университетларни уч тоифага ажратиш мумкин.

Улардан биринчиси тарихи ўрта асрларга бориб тақаладиган мумтоз университетлардир. Дастлаб уларнинг таркибига фақат фалсафа, тиббиёт ва диншунослик факультетлари кирар эди. Вақт ўтиши билан янги йўналишлар пайдо бўла бошлади, бироқ бу факультетлар етакчи бўлиб қоларди.

Иккинчи тоифа бу тубдан ислоҳ этиш жараёнида университет мақомини олган техник ва педагогик коллежлардир. Ва ниҳоят, университетларга муқобил тарзда ташкил этилган олий касб-ҳунар мактаблари Германия маориф тизимида муҳим роль ўйнайди.

Гайдельберг, Л. Максимилиан ва Гёте университетлари немис олий ўқув юртлари орасида катта нуфузга эга. Шимолий Рейн-Вестфалия ва Бавария Федерал ерларининг олий ўқув юртлари ҳам юксак баҳоланади.

«Шпигель» ва «Штерн» журналларида мунтазам эълон қилинадиган рейтинг кўрсаткичларига кўра, талабалар техник соҳаларга доир фанларни Ахен, Карлсруэ, Дармштадт ва Мюнхен шаҳарларида ўрганишни афзал кўришар экан. Иқтисод соҳасидаги билимлар Манхайм, Мюнхен ва Кельнда яхши ўқитилади. Гайдельберг, Фрайбург ва Мюнстердаги университетлар эса ҳуқуқшуносликка оид фанлардан таълим беришга кўпроқ ихтисослашган.

Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА. Берлин.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 3. Бирор муҳим, мураккаб мосламани текшириб, аниқ хулоса берувчи мутахассис. 9. Босилган мақола, асарлардан олинган нусха. 10. Ўзбек шифокор олими. 11. Россия футбол командаси. 12. Ишора, белги. 13. Шиша идиш. 15. Ёпиқ эгри чизиқ. 16. Темирчилик ва заргарликда ишлатиладиган асбоб. 18. Оптик асбоб. 21. Фил тиши. 24. Воқеа-ҳодисанинг бошланиш даври. 28. Салмоқ, вазн. 30. Сабзавот экини. 31. Ватанимиздаги вилоят. 32. Бирма пойтахти. 33. Артиллерия снаряди.

БУЙИГА: 1. Углерод ва водород атомларидан иборат кимёвий модда. 2. Африканинг Нигер дарёси бўйидаги пойтахт. 3. Маҳсулотнинг энг сифатли нави. 4. Вақт ўлчови. 5. Рақам. 6. Баъзи микроорганизмлар пайдо қиладиган заҳарли модда. 7. Украина футбол командаси. 8. Содда қишлоқ хўжалиги асбоби. 12. Африка қитъаси гарбидаги бурун. 14. Ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан аниқлаш асбоби. 15. Жанубий Америкадаги тоғлик. 17. Араб алифбосидаги ҳарф. 19. Бир хил баландликдаги овозларнинг бир вақтда келиши. 20. Тирик организмларнинг ҳаёти ва ўсиши, уларнинг қонуниятлари ҳақидаги фан мутахассиси. 22. Бирор асарга ўхшатиб ёзилган янги асар. 23. Янги Зеландиядаги порт шаҳар. 25. Қадимги Рим саркардаси. 26. Либос, жиҳоз қисми. 27. Кўркам дарахт. 29. Шеърий вазн.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 79-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 5. Исковуч. 6. Суворов. 9. Жумбулбул. 11. Колба. 12. Шайба. 13. Обида. 16. Алоқа. 17. Шохдара. 19. Ажнабий. 20. Пахта. 24. Самбо. 25. Обнус. 26. Пресс. 29. Нидерландия. 30. Снайпер. 31. Энергия.

БУЙИГА: 1. Эскимос. 2. Сурма. 3. Кулба. 4. Созанда. 7. Анбар. 8. Гулбеор. 9. Жибилажибон. 10. Лаборатория. 14. АҚраб. 15. Адрас. 18. Чиябўри. 21. Саванна. 22. Дунай. 23. Эсдалик. 27. Адлер. 28. Адана.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳririят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳririятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 16.990. Буюртма № 0240.